Иқтисод ва молия
Экономика и финансы

ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН

Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан

Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Журнал издаётся в сотрудничестве с Национальным университетом Узбекистана имени Мирзо Улугбека

НАШР ОРГАНИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот марказининг

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда нашр этилади

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№9, 2016

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА

3 **Абулқосимов Ҳ.П.** Ўзбекистон иқтисодиёти мустақил тараққиётининг муҳим натижалари ҳамда истиқболли йўналишлари

13 **Зияев Т., Исроилова Ш.** Иқтисодий тараққиёт стратегияси ва реал натижалар

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

26 **Абдуллаев Р.В., Ботирова Н.Ш.** Ўзбекистон Республикасида саноатлаштириш жараёни ва унинг истиқболлари

37 **Джалилов А.А.** Кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари

ЭКОНОМЕТРИКА ВА СТАТИСТИКА / ЭКОНОМЕТРИКА И СТАТИСТИКА

43 **Мамбетжанов Қ.Қ.** Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларининг миллий ҳисоблар тизимига таъсири

СОЛИҚ СИЁСАТИ / НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА

49 **Воронин С.А., Мухитдинов З.Д., Джайдакбаев М.Т.** Налоговая политика Узбекистана за годы независимости: этапы, тенденции и перспективы развития

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ / МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА

59 **Умарова М.Б.** Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибаси

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ / РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА

66 **Расулев А.Ф., Павлов К.В., Баймурадов Ш.М.** Ядро региональной экономической системы

78 **МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ**

«ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ» журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг талабларига тўлиқ жавоб беради.

Иқтисод
ва молия

Экономика
и финансы

«Иқтисод ва молия» журналининг мазкур сони Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамини нишонлашга бағишланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июнидаги ПҚ-2540 сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида чоп этилмоқда

Настоящий номер журнала «Экономика и финансы» посвящается празднованию двадцатипятилетия государственной независимости Республики Узбекистан и издаётся во исполнение постановления Президента Республики Узбекистан от 2 июня 2016 года № ПП-2540

Абулқосимов Ҳ.П.,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ НАТИЖАЛАРИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ НАТИЖАЛАРИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг мустақиллик йилларида ривожланишининг энг муҳим натижалари ва 2016-2030 йиллардаги истиқболли йўналишлари ёритилган.

Таянч иборалар: иқтисодиёт, ислоҳотлар, барқарорлаштириш сиёсати, иқтисодиётни модернизация қилиш, ялпи ички маҳсулот, инвестициялар.

АБУЛКАСИМОВ Х.П. ОСНОВНЫЕ ИТОГИ НЕЗАВИСИМОГО ПУТИ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА И ИХ ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ

В статье освещены основные итоги развития экономики Узбекистана за годы независимости и перспективные направления её развития на 2016-2030 годы.

Ключевые слова: экономика, реформа, стабилизационная политика, модернизация экономики, валовый внутренний продукт, инвестиции.

ABULKOSIMOV H.P. BASIC RESUME OF THE INDEPENDENT DEVELOPMENT OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN AND ITS PERSPECTIVE DIRECTIONS

Basic resume of the development of Uzbekistan during independence and perspective directions of its growth in the years 2016-2030.

Key words: economy, reform, stabilized policy, modernization of the economy, gross domestic product, investments.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат иқтисодиётини чуқур таназзулдан чиқариш, унинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ижтимоий-иқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ишлаб чиқилди. Бу сиёсатнинг амалга оширилишининг қанчалик самаралилиги мустақиллика эришилганликнинг йигирма беш йили давомида намойиш этиб келинмоқда.

Ўзбекистонга тоталитар тузумдан заиф, бир ёқлама ривожланган, хом ашёга ихтисослашган, пахта яккаҳокимлигига асосланган иқтисодиёт мерос бўлиб қолди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов 1990 йил 4 июнда Ўзбекистон компартиясининг XXII съездида сўзлаган маърузасида республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Собиқ иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, охирги ўринлардан бирида турганлигини таъкидлаган. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Собиқ иттифоқда 12-ўринда бўлгани таъкидланган. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст бўлган. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика Иттифоқдан 40%, қишлоқ хўжаликдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 2 баробар орқада қолаётган бўлган. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40%ини ташкил этган. Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухумни умуман мамлакат аҳолисига нисбатан 2 баробар кам истеъмол қилган. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши Иттифоқда 12%дан сал кўпроқ бўлса, республикамизда 45% га борган. Бир миллионга яқин киши ишсиз бўлиб қолган[1].

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакат иқтисодиётини чуқур таназзулдан чиқариш, унинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ислом Каримов раҳбарлигида ижтимоий-иқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ишлаб чиқилди. Барқарорлаштириш – макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетиши ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, шунингдек, пулнинг қадрсизланиши, пул эмиссияси бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсати эканлиги биринчи Президентимиз томонидан белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, ислоҳотларнинг дастлабки босқичларидаёқ Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатнинг уч таркибий қисми бирлаштирилиб, бир вақтнинг ўзида амалга оширилди:

– макроиқтисодий барқарорликка эришиш;

– институционал ва бозор ислоҳотларини ўтказиш;

– давлат инвестициявий дастурлари ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга ошириш.

Юқоридагиларнинг иккитаси ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган кўплаб мамлакатлар учун хос бўлса, учала йўлни

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. -167-б.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари (ўтган йилга нисбатан %да)[1]

Кўрсаткичлар	1991	1995	2000	2005	2010	2014	2015
Ялпи ички маҳсулот	99,5	99.1	103,8	107,0	108,5	108,1	108,0
Саноат маҳсулотлари	101,5	100,1	105,9	107,3	108,3	108,3	108,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	98,9	102,2	103,1	106,2	106,8	106,9	107,0
Асосий капитал киритилган инвестициялар	105,0	104,0	101,0	107,0	109,2	110,9	109,5
Қурилиш ишлари	96,6	95,8	103,0	107,8	108,1	118,3	118,0
Чакана савдо	82,3	95,7	107,6	108,2	114,7	114,3	115,0

бирваракайига қўшиб олиб бориш фақат Ўзбекистондагина амалга оширилди. Бу Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлари моделининг ўзига хослигидан далолат беради.

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлаштириш дастури доирасида қуйидагилар илк йилларидаёқ амалга оширилди:

– миллий валюта жорий қилиниб, мустақил пул муомаласи йўлга қўйилди;

– пул муомаласида илгари юзага келган гиперинфляцион жараёнлар сўндирилиб, инфляция даражаси назорат қилиш мумкин бўлган даражага туширилди;

– товарлар ва хизматлар бозорида тўловга қодир жами талаб билан жами таклифни муайян даражада бараварлаштиришга эришилди;

– қатъий молиявий сиёсатни ўтказиш асосида давлат бюджетидаги камомад йўл қўйилган энг кам даража (ялпи ички маҳсулотнинг 3-4%и атрофида) доирасида ушлаб турилди;

– ёнилғи-энергетика ресурслари ҳамда ғалла импортини кескин камайтириш, шунингдек, энергетика ресурслари ва рангли металларни экспорт қилишни ошириш ҳисобига ташқи савдода ижобий сальдога эришилди.

Ўзбекистонда бундай сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида ислоҳотларнинг биринчи босқичида 1991 йилга нисбатан иқтисодий пасайиш бошқа МДҲ давлатларидек оғир кечмади. Ялпи ички маҳсулот 1995 йилда 1991 йилга нисбатан 18,8%га камайди. Макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатининг асоси сифатида қаттиқ монетар ёндашувни қабул қилган бошқа МДҲ давлатларида ЯИМ ҳажми 40-60%, шу жумладан, Россияда 53%, Украинада 52% гача, Белоруссияда 54,6%, Қозоғистонда 75,4%га тенг бўлди[1].

Республикада 1996 йилдан эътиборан иқтисодий ўсиш давом этмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 1996 йилда 1,7%ни, 1997 йилда 5,2%ни, 1998 ва 1999 йилларда 4,4%ни, 2000 йилда 3,8% ни, 2001 ва 2002 йилларда 4,2%ни, 2003 йилда 4,4%ни, 2004 йилда 7,7%ни, 2005 йилда 7,0%, 2006 йилда 7,3% ни ташкил этди. 2007 йилда бу кўрсаткич 9,5%га, 2008 йилда эса 9%га, 2009 йилда 8,1%га, 2010 йилда 8,5%га, 2011 йилда 8,3%га, 2012 йилда 8,2%га, 2013 йилда 8,0% га, 2014 йилда 8,1% га, 2015 йилда 8,0% га ўсди (1-жадвал).

Шу йилларда инфляция даражаси ҳам пасайиб борди. Ўртача йиллик инфляция 1996 йилда 64,3%ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 28,2%га, 2002 йилда 21,6%, 2003 йилда эса 3,8%га, 2004 йилда 3,7%га пасайди, 2005 йилда 7,8% ни, 2007 йилда 6,8%ни, 2008 йилда 7,8%ни, 2009 йилда 7,4%ни, 2010 ва 2011 йилларда 7,3%ни, 2012 йилда 7%ни, 2013 йилда 6.8% ни, 2014 йилда 6,1%ни, 2015 йилда 5,6%ни ташкил этди[2].

[1] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -13-б.

[2] Экономика Узбекистана: информационо-аналитический бюллетень за 2014 год. – Т., ЦЭИ, 2015. -С. 10; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳотларнинг «ўзбек модели» ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ўзининг нечоғлиқ тўғрилигини ва ҳаётий эканлигини исботлади. Шундай мураккаб шароитда ҳам юқори, барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатлари сақлаб қолинди. Бундай иқтисодий ўсишга эришишда, аввалambор, кенг кўламли бозор ислоҳотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани принципиал аҳамиятга эга бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни ниҳоясига етди. Хусусий фермер хўжаликлари ўз моҳиятига кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар ва таркибий ўзгартиришлар натижасида пахта экин майдонлари ва пахта хом ашёсини етиштириш ҳажмлари камайтирилиб, озуқабоп экинлар майдонлари ва ҳажмлари кескин оширилди. 2015 йилда 1991 йилга нисбатан буғдой етиштириш 1908 минг тоннадан 7500 минг тоннага, яъни 393,1% га, мевалар 516,6 минг тоннадан 2731,0 минг тоннага, 528,6% га, узум 480,5 минг тоннадан 1556,0 минг тоннага, яъни 323,8% га, полиз экинлари 925,8 минг тоннадан 1850,0 минг тоннага, яъни 199,8% га, сабзавотлар 3324,1 минг тоннадан 9923,0 минг тоннага, яъни 298,5% га, картошка 355,7 минг тоннадан 2670,0 минг тоннага, яъни 705,0% га ошди[1].

Шунингдек, қишлоқда бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси янгидан барпо этилди. Қишлоқ хўжалигида хом ашёни комплекс қайта ишлашга ихтисослашган кўплаб агрофирмалар фаолият кўрсатмоқда. 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди.

Ўзбекистонда Миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш жараёнлари бозор ислоҳотлари билан қўшиб олиб борилмоқда. Иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартиришдан қуйидаги аниқ вазифалар кўзланган:

– иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, бой маъдан хом ашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқурроқ қайта ишлашни ташкил этиш йўли билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг бутлик даражаси ва рақобатдошлигини ошириш;

– республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш, тўлов балансининг ижобий бўлишига эришиш ҳамда олтин-валюта захирасини мустаҳкамлаш.

Мамлакатимизнинг иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда 1990-2014 йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 33,8%дан 54%га ўсди. Саноатнинг улуши эса 1990 йилдаги

[1] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. -45-б.

17,6%дан 2014 йилда эса 24,2%га ўсди[1]. Қишлоқ хўжалигининг улуши 1990 йилдаги 33,4%дан 2015 йилда 16,6 %гача камайди[2].

Мустақиллик йилларида республикамизда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга эришилди;

– энергетика ва ғалла мустақиллигига эришилди;

– ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қисқариб бормоқда, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб, улар ҳажмининг ЯИМдаги улуши ортиб бормоқда;

– хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан янги автомобилсозлик саноати вужудга келтирилди ҳамда радио-электроника, электротехника соҳалари, шунингдек, қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда;

– таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши оқибатида саноат маҳсулотларининг тармоқ таркибида ёнилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимёси, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати тармоқлари улуши ўсиб бормоқда.

Иқтисодиёт соҳасида молиявий барқарорлик ҳам таъминланди. 2005 йилдан бошлаб давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда. 2005 йилда бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1%, 2006 йилда эса 0,5%, 2007 йилда 1,1%, 2008 йилда 1,5%, 2009 йилда 0,2%, 2010 йилда 0,3%, 2012 йилда 0,4%, 2013 йилда 0,4%, 2014 йилда 0,2%, 2015 йилда 0,1% профицит билан бажарилди[3]. Тўлов балансининг барқарорлигига эришилди.

Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 1990 йилда 805,6 млн долларни, шу жумладан экспорт 442,7 млн долларни, импорт 362,9 млн долларни, ижобий сальдо эса 79,8 млн долларни ташкил этди. 2014 йилда ташқи савдо айланмаси 28,1 миллиард долларни, экспорт ҳажми 14,1 миллиард долларни, импорт ҳажми 13,9 миллиард долларни ташкил этди. Ўтган йиллар мобайнида ташқи савдо айланмаси 27,1 баробарга, шу жумладан экспорт 29,5 баробарга, импорт 24,2 баробарга, ташқи савдо ижобий сальдоси эса 53,0 баробарга ўсди[4].

Мамлакатимизда ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. 2014 йилда умумий экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 46%ни ташкил этган

[1] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -14-б; Экономика Узбекистана: информационо-аналитический бюллетень за 2014 год. – Т.: ЦЭИ, 2015. -С. 11; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[2] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -14-б.

[3] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -18-б; Экономика Узбекистана: информационо-аналитический бюллетень за 2014 год. – Т.: ЦЭИ, 2015. -С. 20; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[4] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -59-б; Экономика Узбекистана: информационо-аналитический бюллетень за 2014 год. – Т.: ЦЭИ, 2015. -С. 8; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

эди[1]. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт ҳажми бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 1990 йилдаги 59,7%дан 2014 йилда 7,7%га тушди. Кичик бизнес корхоналари маҳсулотларининг экспорт ҳажми 10 баробардан зиёдга ўсди. Импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 4,5 баробарга қисқарди. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг амалда тўлиқ ўзлаштирилганидан далолат беради. Импорт таркибида машина ва асбоб-ускуналар улуши 1990 йилдаги 12,1%дан 2014 йилда 39,7%га ўсди[2].

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатига солиқ юкининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши ижобий таъсир кўрсатди. 1998-2015 йилларда йиғма бюджет даромадлари бўйича ҳисобланган солиқ юки 39,0%дан 20%га, давлат бюджети даромадлари бўйича ЯИМга нисбатан эса 32,2%дан 20% га камайди. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойдаси) солиғи ставкаси 1995 йилдаги 38%дан 2015 йилда 7,5%га, ягона ижтимоий тўлов 40%дан 25%га, микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловнинг амалдаги 25% ставкаси 15%га пасайтирилди. Кичик корхоналар ва микрофирмалардан олинадиган ягона солиқ тўлови (бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар билан бирга) 2002 йилдаги 12,2%дан 2015 йилда 6%га (саноат ва қурилишда, улгуржи ва чакана савдо айланмасига 5%га) пасайтирилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаолиятини кенгайтириш таъминланди. 2015 йилда банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3% кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробарга ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24%ни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир. Ташқи савдо ижобий сальдога эга. Давлат қарзининг ЯИМдаги улуши 18,5%дан ошмаган[3].

Бундай тадбирлар иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шарти бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31,0%дан, 2015 йилда 56,7%га етди. Ушбу соҳада банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ишламоқда. Агар 2000 йилда саноатда кичик бизнеснинг улуши 14 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 33 фоиздан ошиб кетди[4].

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган ишлар шулар жумласидандир. Шунингдек, бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланиш

[1] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -59-б; Экономика Узбекистана: информационо-аналитический бюллетень за 2014 год. – Т.: ЦЭИ, 2015. -С. 8; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[2] Ўша манба.

[3] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[4] Ўша манба.

ҳуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёни соддалаштирилиб тартибга солинди. Тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишларининг амалга оширилиши билан нодавлат, хусусий иқтисодий сектор ва хусусий мулк ҳамда мулкдорлар мавқеи ошиб борди, натижада иқтисодиётда нодавлат, хусусий сектор қарор топди. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 84% дан ошди. Саноат маҳсулотларининг 85,6%и, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салкам 99,8%и, чакана савдо айланмасининг 99,8%и, иш билан бандликнинг 80,7%и ана шу сектор ҳиссасига тўғри келди[1]. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-2340-сонли қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштириш дастури амалга оширилмоқда.

Мазкур дастурга биноан 2015 йилда 506 та мулк комплекси 1 триллион сўм ва 40 миллион доллар инвестиция киритиш, 22 мингга яқин иш ўринлар яратиш шарти билан сотилди. 245 та кам рентабелли ва фаолият юритмаётган ташкилотлар тугатилди. 363 та давлат объекти бузилиб 120 гектар ер майдони бўшади, шундан 80 гектар тадбиркорларга ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун берилди. 378 акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланиб, чет эллик инвесторларига сотишга қўйилди. 52 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши хусусий мулкдорларга сотилди. Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш кучайтирилди. 2015 йилда 42800 та тадбиркорлик субъекти интернет тармоғи орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатга олинган. 2013-2014 йилларда уларга 102 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 420 мингдан ошди[2].

Иқтисодий ўсишни таъминлашда мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб бориши муҳим роль ўйнади. Иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 2014 йилда 1990 йилга нисбатан 14 баробардан зиёдга ўсди. 2015 йилда жами 15,8 миллиард доллар эквивалентида инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўпдир. Жами инвестицияларнинг 21 фоизи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Инвестицяларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. 2015 йилда умумий қиймати 7,4 миллиард доллар эквиваленти бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Умуман олганда, «Ўзбек модели»га асосланиб олиб борилган ислоҳотлар натижасида мустақиллик йилларида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 6 мартага яқин, аҳолининг даромадлари 9 мартага ошди; аҳоли сони салкам 11 миллионга кўпайди ва 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 31,5 миллион кишини ташкил этди; охирги 10 йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик

[1] Статистическое обозрение Узбекистан за 2014 год. – Т,. 2015. -С. 7; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[2] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

ўсиш суръатлари 8 фоиздан юқори бўлди. Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш натижасида 2000-2014 йилларда аҳолининг реал даромадлари киши бошига 11,0 баробар, ўртача ойлик иш ҳақи 20,4 баробар, пенсия 16,6 баробар ошди. 2015 йилда Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9%га, аҳоли жон бошига реал даромадлари 9,6%га ошди. Мустақиллик йилларида умумий аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорликдан тушган даромад улуши 10,6%дан 52%га ўсди. МДҲ давлатларида ушбу кўрсаткич ўртача 20-25 фоиздан ошмайди. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан 2010 йилда 8,5 баробарга, 2015 йилда 7,7 баробарга тушди. Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,280 га пасайди (халқаро стандарт 0,35-0,37). Республикамизда 1990 йилда аҳолининг 18 фоизи ўрта синф тоифасига тўғри келган бўлса, 2014 йилга келиб уларнинг улуши 50 фоиздан ошди.

Аҳоли истеъмол харажатлари 2000-2015 йилларда 10 баробардан ортиқ ўсди. Мустақиллик йилларида аҳоли сони 11 миллион кишидан зиёдга ортишига қарамасдан, гўшт истеъмоли ўсиши 1,4 баробар, сут – 1,3 баробар, тухум – 2,2 баробар, сабзавотлар – 2,6 баробар, мевалар – 6,1 баробар, ўсимлик ёғи – 1,8 баробар, шакарники 2,3 баробарни ташкил этди. 2015 йилда 100 та оиланинг 42 таси енгил автомобилга эга бўлиб, бу 5 йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробарга кўп. 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг; ҳар 100 та оилага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда. Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари деган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 158 та мамлакат ичида 44-ўринни эгаллади. Ўзбекистон 2013 йилда бу борада 60-ўринда эди[1].

Эндиликда макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва янгилаш ишлари истиқболда ҳам изчил давом эттирилади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов «Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур»[2], деб таъкидлаган.

Истиқболда Ўзбекистонни ўртача ривожланган давлатлар орасида даромади юқори бўлган мамлакатлар қаторига киритиш вазифаси қўйилган. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Ўша манба.

камида 10-12 минг АҚШ долларини ташкил қилиши, ЯИМни 2016-2020 йилларда 1,3 баробарга ошириш, ЯИМни 2016-2030 йилларда 2,0 марта ошириш режалари белгиланган. 2030 йилда янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефть-газ соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3,2 баробарга, рангли металл маҳсулотлари 2,2 баробар, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин. Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 5,7 карра ошириш, хом ашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган тайёр маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтиш мўлжалланмоқда[1].

Истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ва институционал ўзгаришларни давом эттириш; иқтисодиётда хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш; мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш; иқтисодиётга инвестицияларни кенг жалб қилиш; кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш барқарор ва мутаносиб ривожланишнинг муҳим омиллари бўлади. Шунингдек, иқтисодиётни ривожлантириш, бозор механизмлари амал қилишини таъминлаш мақсадида монополизм кўринишларига қарши кураш ва рақобат муҳитини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришнинг муҳим устувор йўналиши сифатида жадал ривожлантирилади. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш асосида халқ турмуш даражасини изчил ва барқарор ривожлантиришга йўналтирилган стратегик вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари давом эттирилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги «2015-2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2313-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 44-сон, 560-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2520-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 145-модда, 38-сон, 447-модда.

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

4. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари. – Т.: «Akademiya», 2012.

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

6. Экономика Узбекистана: информационо-аналитический бюллетень за 2014 год. – Т.: ЦЭИ, 2015.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Зияев Т.,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди;
Исроилова Ш.Т.,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА РЕАЛ НАТИЖАЛАР

ЗИЯЕВ Т., ИСРОИЛОВА Ш.Т. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА РЕАЛ НАТИЖАЛАР

Мақолада мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш жараёнлари ўрганилган.

Таянч иборалар: тармоқ тузилиши, таркибий ўзгаришлар, таркибий сиёсат, мулкчилик, хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш.

ЗИЯЕВ Т., ИСРОИЛОВА Ш. СТРАТЕГИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И РЕАЛЬНЫЕ ИТОГИ

В статье рассматриваются экономические реформы, осуществленные за годы независимости, структурные изменения, совершенствование отношений собственности, а также представлен процесс развития малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: отраслевая структура, структурные изменения, структурная политика, собственность, приватизация, разгосударствление.

ZIYAEV T. ISROILOVA SH. STRATEGY OF ECONOMIC DEVELOPMENT AND REAL RESULTS

The article deals with the economic reforms carried out during the years of independence, structural changes, improvement of relations of the property and explored the development of small business and private entrepreneurship.

Keywords: branch structure, structural changes, structural policies, property, privatization, denationalization.

Маълумки, мустабид тузум даврида Ўзбекистон умумиттифоқ меҳнат тақсимотида хом ашё базаси вазифасини бажарар эди.

1990 йилда Собиқ иттифоқда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди ҳамда етиштирилган пахтанинг 7 фоизигина республикада қайта ишланар эди[1].

Совет ҳокимияти йилларида пахта хом ашёсини етиштириш асосан уни экстенсивлаш, яъни экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига 9,7 баравар кўпайди. Дон етиштириш эса муттасил камайиб борди. 1913 йилда у 1019 минг тоннани, 1950 йилда 425 минг тоннани ташкил қилди (2,4 баравар камайди), 1975 йилда эса 1079 минг тонна бўлди (аҳоли сони шиддат билан ўсгани ҳолда 5,6 фоиз кўпайди). Умуман, Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикасининг донга бўлган эҳтиёжи ўз дони ҳисобига фақат 25 фоиз таъминланди, қолганини Россия, Қозиғистон, АҚШдан келтиришга мажбур бўлди.

Ўзбекистон аҳоли жон бошига маҳсулот етиштириш ва истеъмол қилишда бошқа республикалардан анча орқада қолганди. Масалан, 1955 йилда республикада аҳоли жон бошига 14 кг гўшт, 62 кг сут, 29 кг сабзавот етиштирилган, умуман Собиқ иттифоқ бўйича бу рақамлар мос равишда 32 кг, 215 кг, 71 кг ни ташкил этган.

Хуллас, Ўзбекистонга тоталитар тузумдан заиф, бир ёқлама ривожланган, хом ашёга ихтисослашган пахта яккаҳокимлигига асосланган иқтисодиёт мерос бўлиб қолди. Табиий ва минерал хом ашё захираларидан нотўғри фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги, нарх белгилашдаги, аҳолининг истеъмол таркибидаги бузилишлар туфайли вужудга келган ғоят кескин муаммоларни якка ўзи ҳал қилишга мажбур бўлди. Республиканинг барча иқтисодий ресурслари пахта комплекси деб аталган мажмуага йўналтирилиб, хўжаликнинг бошқа соҳалари эътибордан четда қолди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Пахта яккаҳокимлиги оқибатида илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тизими бузилди. Натижада шўр босган тупроқ эрозиясига учраган майдонлар улуши кўпайди, ер ўз ҳосилдорлигини йўқота борди, сув ресурсларининг етишмовчилиги кучайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда ғалла тақчиллиги жиддий муаммога айланган эди. Юртимизда атиги 12-15 кунга етадиган ғалла захираси қолган ўта қалтис ва тахликали кунларни ҳам бошимиздан кечиришга тўғри келди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов қатъият билан иш юритиб, тез кунлар ичида Россиядан 100 минг ва Украинадан 50 тонна дон келтиришга эришди. Шу тариқа юз бериши муқаррар бўлган дон танқислиги муаммоси бартараф этилди. Шундан сўнг юртбошимиз ғалла мустақиллиги ҳақидаги масалани кун тартибига қатъий қилиб қўйди. Ғалла мустақиллигига эришиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди ва атиги ўн йил ичида бу вазифа муваффақиятли адо этилди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда 1990 йилда 1 миллион тоннадан зиёдроқ ғалла ҳосили олинган бўлса, 2000 йилда 4,1 миллион тонна, 2012 йилда 7,2 миллион тонна, 2015 йилда эса 7,5 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди.

Статистик тўпламларда[2] чоп қилинган маълумотлар ва бизнинг ҳисоб-китобимиз

[1] Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: «Ўқитувчи», 2000. –С. 31-32.

[2] Государства бывшего Советского Союза. 1993 год. Статсборник. – Вашингтон, Всемирный Банк, 1994. -С. 6.

натижаси шуни кўрсатадики[1], иқтисодий ислоҳотлар арафасида 1990 йилда Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичида ЯИМ ҳажми бўйича Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистондан кейин 5-ўринни эгаллаган ёки аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикасига нисбатан Россияда 2,5 баробар, Украинада 2 баробар, Белоруссияда 2,3 баробар кўп бўлган.

Бундай салбий кўринишлар ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар билан киришини тезроқ таъминлаш мақсади Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки давридаёқ халқ хўжалиги тармоқ тузилишини тубдан ўзгартиришни зарурат қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлагандек, «Устувор ҳисобланган етакчи тармоқлар белгилаб олинмаса, бозор муносабатлари шароитида уларнинг шаклланишига ёрдам кўрсатилмаса, иқтисодий стратегия бой берилади... ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида шуни эътиборда тутиш керакки, у устувор катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириши, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаши (нефть-нефть мустақиллиги, энергетика-энергетика мустақиллиги, дон-ғалла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказо) ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказиши керак»[2].

Таркибий силжишлар йўлидан бориб республикада энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни жадал ривожлантириш ҳамда минерал ва қишлоқ хўжалик хом ашё ресурсларидан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборат вазифалар ҳам белгиланди. Шунингдек, республикамизнинг анъанавий ихтисослашувидаги ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарни замонавий технологиялар билан қайта қуроллантириш йўли билан ривожлантириш назарда тутилди.

Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари таркибий тузилишида маълум ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг улуши ортиб бормоқда.

Иқтисодиётда юз бераётган жиддий таркибий ўзгаришлар ва сифат ўзгаришлари шуни кўрсатадики, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга етди. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизга юқори қўшимча қийматларга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар маҳсулотининг ўсиши ҳисобига эришилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибий тузилишида чуқур ўзгартиришлар амалга оширилиши оқибатида республиканинг ёқилғи-энергетика захираларига бўлган эҳтиёжи ўз ҳисобидан тўла таъминланди ҳамда ғалла импортига қарамлик барҳам топиб, ғалла мустақиллиги қарор топди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасидаги жуда кўплаб замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик мажмуалари ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари би-

[1] «Вопросы экономики», 1997, №10. -С. 143.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. -200-201-б.

лан ҳамкорликда барпо этилган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу мажмуанинг ишга туширилиши йилига 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини беради. Илгари бу маҳсулот мамлакатимизга четдан катта валюта ҳисобига олиб келинар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда автомобилсозлик, нефть-газ кимё саноати, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат саноати ва енгил саноат каби бир қатор мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди.

Шунингдек, республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноатининг вужудга келтирилиши оқибатида мамлакат иқтисодиётининг индустриал соҳалари янги ривожланиш йўлига кирди.

Мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ўсиб бормоқда.

Амалга оширилган ўзгаришлар асноси, энг аввало пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришлар қилинди. Республиканинг бир қанча туманларида пахта экиш майдонлари қисқартирилди, айрим туманларда пахта экишдан бутунлай воз кечилди. Пахта экишдан бўшаган ерларда дон экинлари, сабзавот, картошка етиштириш йўлга қўйилди, боғ ва узумзорлар барпо этилди. Натижада 2012-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди[1].

Юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 карра, картошка – 1,9 марта, сабзавот 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайган.

Маълумотларга кўра, шу кунгача республикамизда етиштирилган 1 миллион 270 минг тоннадан ортиқ хўл мева ва қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташқи бозорга сотиш бўйича хорижий давлатлар ҳамда тайёрлов корхоналари билан 176 та узоқ ва қисқа муддатли шартномалар тузилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот,

[1] Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек, 2020 йилгача пахта хом ашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш мўлжалланган. Натижада 170 минг 500 гектар суғориладиган ер пахтадан бўшайди. Ана шу пахтадан бўшаган экин майдонларида, аввало, сабзавот ва картошка, шулар қаторида озуқа экинлари, ёғмой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилади.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоиз, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоиз, сутни 47,3 фоиз, тухумни 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда[1].

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида ялпи ички маҳсулотнинг 54,5 фоиздан зиёди яратилмоқда, унда иқтисодиётда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 60 фоизи фаолият юритмоқда. 1991 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 25,9 фоиз, 2010 йилда эса 49,0 фоиз эди, холос[2].

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар унинг барқарор ўсишига, жамият иқтисодий салоҳияти ортишига, қишлоқ хўжалигида мавжуд ортиқча меҳнат ресурсларини бошқа соҳаларга самарали тақсимлашга, янги иш жойлари кўпайтирилишига ва аҳоли даромадлари оширилиб, улар фаровонлиги янада яхшиланишига олиб келади.

Иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини белгиловчи ўқ илдиз – бу мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тўлиқ етилганлик даражасидир, яъни мулклар тўлиқ етилган бўлиши керак. Мулкчилик масаласини ҳал қилиш биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам иқтисодий муносабатларнинг муҳим вазифаси мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш ҳисобланади. Унинг туб моҳияти мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркор-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2016 йил 12 апрель. // «Халқ сўзи», 2016 йил 13 апрель.

[2] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

лик учун кенг йўл очиб бериш ва янги мулк эгаси ҳиссини тарбиялашдан иборатдир.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикамизда хусусийлаштиришнинг миллий модели ишлаб чиқилган. Бу моделга асосан давлат мулкини бошқа мулк шаклига ўзгартириш фақатгина уни янги мулкдорларга сотиш воситасида амалга оширилади, бу босқичма-босқич бўлиши назарда тутилган. Хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёнида мулкчиликнинг давлатга қарашли ва қарашли бўлмаган шакллари юзага келди. Мулкчиликнинг аралашган шакли ҳам мавжуд.

Хусусийлаштиришда эътибор дастлабки йиллар кўпроқ миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, кейинчалик хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари асосий мезон бўлиб қолди.

Қайд этилган жиҳатларнинг тўлиқ эътиборга олиниши хусусийлаштиришда аҳамиятли кўрсаткичларга эришилишини таъминлади. Республикамизда 1994-2014 йиллар мобайнида 31279 та давлат корхонаси ва объекти хусусийлаштирилди. Биргина 2000-2014 йиллар мобайнида эса 9737 та давлат тасарруфидаги корхона ва объектлар хусусийлаштирилиб, улар асосида 600 дан ортиқ акционерлик жамиятлари, 1200 дан ортиқ масъулияти чекланган жамиятлар, 5000 дан ортиқ хусусий корхоналар ташкил этилди. Бу даврда хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари ҳажми 870,0 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашнинг муҳим жиҳати шунда эдики, мазкур маблағларнинг барчаси яна корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш каби тадбирларга йўналтирилди. Ҳозирги кунда республикамиз бўйича 1 минг 100 дан ортиқ акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич сўнгги ўн йил ичида 5,3 баробар ўсган.

Мустақиллик йилларда хусусийлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кўпгина тармоқлар, хусусан, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатишнинг барча тури мулкдорлар ихтиёрига тўлиқ берилди. Тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика, мебелсозлик, чарм-пойабзал ишлаб чиқариш саноати ҳамда уй-жой секторида давлат улуши кескин камайтирилди. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонида нодавлат мулк корхоналарининг улуши 85,6 фоизга етди. Бунда 33,1 фоизни хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар 50,7 фоизни бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этди[1].

Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилда 67,7 фоизни, 2006 йилда 77,8 фоизни, 2008 йилда 79,4 фоизни, 2009 йилда 81,3 фоизни, 2010 йилда 81,7 фоизни, 2011 йилда 82,5 фоизни, 2014 йилда эса 82,9 фоизни ташкил этди[2]. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмаси энг юқори салмоқ – 99,9 фоизга етди.

Тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесга кенг йўл берилгани натижасида мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7 фоиздан, 2007 йилдан

[1] Зияев Т., Ярашев О. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва реал натижалар. // «Ишонч», 2016 йил 11 июнь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

буён ўртача 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда[1].

Жумладан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7 фоиз, чакана савдо айланмаси 15 фоиз, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 7 фоиз, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 10,8 фоизга ўсди ва аҳолининг реал даромадлари 9,6 фоизга ошди[2].

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида давлат иштироки улушини камайтириш, монополияга қарши тартиботларни самарали юритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнида, биринчи навбатда, паст рентабелли ҳамда зарар кўриб ишлаётган корхоналарни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада биринчи Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозирги пайтда ҳудудлардаги кам қувватли корхоналарни, қурилиши тугалланмаган ва бўш турган объектларни аниқлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ушбу қўмита маълумотларига кўра[3] республикамиз бўйича 10 мингга яқин шундай корхона ва объектлар негизида ишлаб чиқаришни тиклаш бўйича таклифлар тайёрланди. Шундан 8 мингдан ортиқ корхона ва объектларни молиявий соғломлаштириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, бўш турган 290 та давлат объектини хусусийлаштириш, 263 тасини инвестиция киритиш ва иш ўринлари яратиш шарти билан тадбиркорларга «ноль» қийматида сотиш, 160 дан кўпроғини самарали фойдаланиш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотларига бериш, 138 тасида марказлаштирилган маблағлар ҳисобига қурилиш ишларини якунлаш ҳамда 232 та объектни тадбиркорларга ижарага ажратиш таклифлари ишлаб чиқилган[4].

2015 йилда 245 та паст рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилди, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки объекти бузилди. Бунинг ҳисобига бўшаган 120 гектар ер майдонининг қарийб 80 гектари тадбиркорларга замонавий корхоналар ва хизмат кўрсатиш объектларини бунёд этишлари учун берилди[5].

Умуман олганда, 2015 йил якуни бўйича жами 506 та мулк комплекси танлов асосида инвестиция киритиш шарти билан «ноль» қийматида янги мулкдорларга сотилди.

Хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириб, ривожлантириш ва шу асосда кишиларда мулкдорлик туйғусини уйғотишга жиддий эътибор қаратилди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ишчи кучи бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда.

Масалан, 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 6737 минг киши бўлган бўлса,

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

[2] Ўзбекистон Республикаси 2015 йил статистика ахборотномаси асосида хисобланган.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

[4] Изчил ривожланиш кафолати. // «Халқ сўзи», 2013 йил, 6 июль.

[5] Рахмонов С. Замонавий тенденциялар, халқаро стандартлар. // «Халқ сўзи», 2016 йил 24 февраль.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг сони 9897,5 минг кишини ёки ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 77 фоизидан ортиғини ташкил этди.

Саноат маҳсулотларини етиштириш, қурилиш соҳасида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши сезиларли равишда ортиб бормоқда. Жумладан, 1992 йилда кичик бизнеснинг ЯИМ ҳажмидаги улуши атиги 1,5 фоиз даражасида бўлса, 2000 йилда 31 фоизга, 2007 йилда 45,7 фоизга, 2009 йилда эса 50,1 фоизга, 2010 йилда 52,5 фоизга, 2011 йилда 54,0 фоизга, 2012 йилда 54,6 фоизга, 2013 йилда 55,8 фоизга, 2014 йилда 56,1 фоизга, 2015 йилда эса 56,7 фоизга етган[1]. Бундай ижобий натижа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ ҳажмидаги улушини 2016 йилда 60 фоиздан зиёдга, 2020 йилда эса 63 фоизга етказишни мўлжал сифатида белгилашга тўлиқ ишонч ва имкон яратади.

2005-2015 йиллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш бўлди. Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўринни эгалламоқда. Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилди.

Кейинги йилларда қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлар иқтисодиётимиз ривожида ўзига хос янги даврни бошлаб берди.

Ушбу ҳужжатлар туфайли тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши янада мустаҳкамланди. Уларнинг фаолиятини асоссиз чеклаш ёки четдан ноқонуний аралашувларнинг йўлига қатъий тўсиқ қўйилди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари эндиликда фақат суд орқали қўлланилади. Бу эса назорат органлари ходимларини ўз ишига янада масъулият билан ёндашишини тақозо этади. Боиси улар текширув якуни бўйича тадбиркорга жарима қўллаш лозим бўлса, буни суд ҳукмига ҳавола этади. Барча ҳужжат ва далиллар суд томонидан холис ва чуқур ўрганилиб, даъво асосли бўлсагина бу ҳақда қарор чиқарилади.

Тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизими такомиллаштирилиб, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, шунингдек, жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда янги қоидалар жорий этилди. Жумладан, ноқонуний текшириш натижасида мулкдорлар ҳуқуқларини бузганларга жиноий жавобгарликка тортишгача чора кўрилади.

Текширишлар сони янада қисқартирилиб, қатъий тартибга солингани эса тадбиркор эркинлигининг ҳақиқий кафолати бўлди. Бир сўз билан айтганда, барча хизмат кўрсатиш, назорат ва бошқа идораларнинг асосий фаолияти тадбиркорлар манфаатини қондиришга хизмат қилишга йўналтирилди.

2016 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

уланиши бўйича мутлақо янги механизм жорий этилди. Унга кўра, ушбу тармоқлар ишини юритадиган ташкилотларнинг ҳудудий корхоналарига техник шартларни олишдан тортиб муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишгача бўлган барча жараёнларни амалга ошириб, уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш ваколатлари берилди.

Кези келганда, кичик бизнеснинг жадал ривожланишида, аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражада рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, 1996-2015 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқартирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш йилдан йилга ошиб бормоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар 2010 йилда 2690,2 млрд сўм, 2011 йилда 4200 млрд сўм, 2012 йилда 5346 млрд сўм, 2013 йилда 6982 млдр сўм, 2014 йилда эса 9200 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда эса 12113 млрд сўмдан ошиб кетди[1]. Бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

Тадбиркор аёлларга 2015 йилда 1,2 триллион сўмлик, йигит-қизларга 277,6 млрд сўмлик имтиёзли банк кредитлари тақдим этилди[2]. 2015 йил якунларига кўра, сўнгги ўн йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми қарийб 29 баробарга, микрокредитлар ҳажми эса 58 баробарга ўсди[3] ва тадбиркорликнинг улардан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди.

Янги тузилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизимини яратиш мақсадида 2006 йилда махсус банк – «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Шу йилдан бошлаб, банкнинг асосий фаолият йўналишларидан бири – тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, микрокредитлаш ва микролизинг хизматларини кўрсатиш эканлиги белгилаб қўйилди.

Ушбу банк томонидан биргина 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 654,8 млрд сўмлик кредитлар ажратилди, кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 296,8 млрд сўмни ташкил этди ва мазкур кредитлар ҳисобига 37860 та иш ўрни яратилди. «Микрокредитбанк» кичик бизнесни ривожлантиришга қанчалик ҳисса қўшаётганини барча тижорат банклари томонидан ушбу соҳага ажратилган кредитларда унинг улуши 2014 йилда 7,2 фоизни, яратилган иш ўринлари бўйича 7,9 фоизни ташкил этганидан кўриш мумкин. «Микрокредитбанк» томонидан биргина 2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиёти учун 860,5 млрд сўм кредит маблағлари йўналтирилган бўлса, шундан 90,3 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар айнан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилди[4].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дунё молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали ўрин тутиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг тушум маблағлари ортишининг муҳим омили ҳисобланади.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ана шу тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида иқтисодий салоҳияти

[1] Болтабоев М., Зияев Т. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва реал натижалар. // «Ишонч», 2015 йил 30 июль.

[2] Зияев Т., Ярашев О. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва реал натижалар. // «Ишонч», 2016 йил 11 июнь.

[3] Ўша манба.

[4] «Микрокредитбанк» маълумотлари асосида ҳисобланган.

юксак давлат сифатида тан олиниб, жадал ривожланаётган мамлакатлар сафидан мустаҳкам жой эгаллади. Бу тан олиниш осонликча қўлга киритилгани йўқ. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқисодий тараққиёт стратегияси ва уни амалга ошириш воситалари мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги барча иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиб, уни ривожланган мамлакатлар қаторига ўтказди. Ана шундай ижобий натижаларга эришишимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўли – «ўзбек модели» энг муҳим омил ҳисобланади.

Давлатимиз биринчи раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, «Ўзбек модели» деб ном олган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби беш тамойилга асосланган ўзига хос йўли – буларнинг ҳаммаси, айниқса 2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзининг нечоғлик тўғри ва ҳаётий эканини исботламоқда, бу ўз навбатида жуда ҳам қувонарлидир. Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг ўзбек модели тарихан қисқа муддат ичида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида салмоқли ютуқ ва муваффақиятларга эришиш имконини берди. Жумладан, Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ўсди.

Кейинги 11 йил ичида, жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари барқарор равишда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Жумладан, мавжуд маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти жорий баҳоларда 2013 йилда 118,9, 2014 йилда 144,9, 2015 йилда эса 156,5 триллион сўмни ташкил этди[1].

2015 йилда иқтисодиётимизга 15 миллард 800 миллион АҚШ доллари қийматидаги инвестиция киритилди ва бу асосий фондлар умумий қийматининг салкам 23,3 фоизини ташкил этди[2].

Ўтган 5 йил давомида иқтисодиётимизга жами қарийб 67 миллиард доллар инвестиция йўналтирилди, бунинг 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялардир[3]. 2016 йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизга 17 миллиард 300 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади. Натижада 2016 йилда қиймати 5 миллиард

[1] Ўзбекистон Республикаси 2013-2015 йиллардаги статистик ахборотномаси асосида ҳисобланган.

[2] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[3] Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 6 декабрь.

500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда[1].

2016 йилда ижтимоий соҳани ривожлантиришга Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи миқдорида маблағ ажратиш, 990 мингга яқин янги иш ўрни яратиш, аҳолининг реал даромадларини 9,5 фоизга, ўртача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда 15 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда[2].

Биринчи Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, «Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислоҳотларни, иқтисодиётимизда, аввалambор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур»[3].

2016 йил учун қабул қилинган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларининг қандай бажарилаётганлигини жорий йилнинг биринчи ярмидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,1 фоиз кўпайди. Хизмат кўрсатишнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 57,6 фоизга етди. Кичик бизнес соҳасида 16,4 мингдан ортиқ янги субъект ташкил этилди, бу соҳа ривожи учун 8,3 триллион сўм банк кредитлари берилди[4].

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истиқболли хом ашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашни 2020, 2025, 2030 йилларга мўлжалланган аниқ дастурлар асосида давом эттириб, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаб, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш учун барча асослар борлигини таъкидлаб, биринчи

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Ўша манба.

[3] Ўша манба.

[4] Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. // «Халқ сўзи», 2016 йил 27 июль.

Президентимиз шундай деган эди: «Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 2016-2030 йилларда 2 баробар кўпайишига эришиш учун ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш зарур. Агар кейинги 11 йилда бу кўрсаткич 8 фоиздан юқори бўлиб келганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу вазифани амалга ошириш учун мустаҳкам асос ва замин борлиги яққол аён бўлади»[1]. Ана шу юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун мамлакатимизда мустаҳкам пойдевор яратилган ҳамда барча шароитлар мавжуд, яъни мустақиллик йилларида иқтисодиёт таркибий тузилмасидаги чуқур ўзгаришлар, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш борасидаги эришилган ижобий натижалар ҳамда мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит, энг асосийси, давлатимиз томонидан олиб борилаётган тинчликсевар сиёсат бунга асос бўлади.

Хуллас, Ўзбекистон кейинги йилларда улкан муваффақиятларга эришаётган мамлакат ҳисобланади. Бу жаҳондаги қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказлари олимлари, таҳлилчилари томонидан эътироф этилмоқда ва юқори рейтинг кўрсаткичларига эга бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди[2] ҳамда АҚШда фаолият кўрсатаётган нуфузли «GALUP» институти ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» мавзусида 2015 йилда ўтказилган сўров натижалари бўйича дунёдаги 141 мамлакат ичида 2-ўринни эгаллади[3]. Бу юртимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганини эътироф этишдир. Бу қайд этилган юқори рейтинг натижалари мамлакатимиз ўз олдига қўйилган стратегик вазифаларни амалга оширишига ишонч ҳосил қилади.

Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар самарадорлиги 2016 йилнинг 23-24 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда юксак савияда ўтказилган ўн бешинчи юбилей саммитида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Мухтасар қилиб айтганда, 2016 йил ва ундан кейинги йилларда ҳам иқтисодиётда сифат жиҳатдан туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётида давлат улушини қисқартириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш ва бунинг учун барча зарур шароит ва преференцияларни яратиш лозим ҳамда иқтисодиётимизда давлат улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш керак.

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Ўша манба.

[3] Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 6 декабрь.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 6 декабрь.

3. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: «Ўқитувчи», 2000. -31-32-6.

4. «Государства бывшего Советского Союза». 1993 год. Статсборник Всемирный Банк, Вашингтон, 1994. -С. 6.

5. «Вопросы экономики», 1997 год, №10. -С. 143.

6. Изчил ривожланиш кафолати. // «Халқ сўзи», 2013 йил 6 июль.

7. Рахмонов С. Замонавий тенденциялар, халқаро стандартлар. // «Халқ сўзи», 2016 йил 24 февраль.

Абдуллаев Р.В.,
Тошкент Ислом университети «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори;
Ботирова Н.Ш.,
Тошкент Ислом университети «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САНОАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АБДУЛЛАЕВ Р.В., БОТИРОВА Н.Ш. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САНОАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг саноатлаштириш жараёни ва унинг истиқболлари ёритилган. Саноатлаштириш негизида импорт ўрнини босувчи сиёсатдан экспортга йўналтирилган саноат соҳаларини барпо қилиш ва ривожлантириш масалалари, унинг босқичлари таҳлил қилинган. Ўтган даврлардаги саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари кўриб чиқилган. Хулоса ўрнида мамлакат саноатлаштириш жараёнини амалга оширишда ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарасидан фойдаланиш имконияти ёритилган.

Таянч иборалар: саноат, турмуш фаровонлиги, техник тараққиёт, енгил саноат, экспорт, импорт, капитал, инвестиция, диверсификация, ишлаб чиқариш самарадорлиги.

АБДУЛЛАЕВ Р.В., БОТИРОВА Н.Ш. ПРОЦЕСС ИНДУСТРИАЛИЗАЦИИ И ЕГО ПЕРСПЕКТИВЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В статье рассматриваются процесс индустриализации Республики Узбекистан и его перспективы. Проанализированы вопросы создания экспортно-ориентированных отраслей на основе импортозамещающей индустриализации и этапы ее развития. Рассмотрены основные факторы развития промышленности в последние годы. В заключении отражена возможность эффективного использования внешнеэкономических связей в процессе индустриализации страны.

Ключевые слова: промышленность, социальное обеспечение, техническое развитие, легкая промышленность, экспорт, импорт, капитал, инвестиции, диверсификация, эффективность производства.

R.V. ABDULLAYEV, N.SH. BATIROVA. THE PROCESS OF INDUSTRIALIZATION AND ITS PROSPECTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

The article deals with the process of industrialization of the Republic of Uzbekistan and its prospects. There is reviewed the issues of export-oriented industries on the basis of import-substituting industrialization and the stages of its development. The main factors of industrial development in the past period are considered. Finally, the ability to reflect the efficient implementation of foreign economic relations in the country's industrialization process is analyzed.

Keywords. industry, social security, technical development, light industry, export, import, investment, diversification, production efficiency

Мамлакатнинг саноат ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлиши иқтисодий пойдевор мустаҳкам бўлиши, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши, илмий-техник тараққиёт ривожланишига олиб келади. Иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда саноатлаштириш жараёнларини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Саноатлаштириш иқтисодиёт ривожланишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг қай даражада саноатлашганлиги унинг ривожланиш даражасини кўрсатади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Энг аввало иқтисодий мустақиллигимизни таъминлайдиган саноатнинг бутун негизини ривожлантириш, бой хом ашё, моддий ресурсларимиз асосида тайёр маҳсулот олишга қаратилган юксак технологик лойиҳаларни амалга ошириш – мамлакатларимиз олдида турган муҳим вазифадир[1]». Шунинг учун саноатлаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараён макроиқтисодий вазият, бозор муносабатларини шаклантириш, таркибий ўзгаришлар тавсифи ва саноатлаштириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. 1-босқич 1991-1995 йилларни ўз ичига қамраб олиб, мавжуд саноат салоҳиятини сақлаб қолиш чора-тадбирлари билан тавсифланади. 2-босқич эса 1995-2000 йилларда муҳим саноат тармоқларини устун ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш стратегиясини кенг миқёсда амалга ошириш, саноат тармоқларига инвестициялар оқимини кўпайтириш, хусусан, машинасозлик, енгил саноат, кимё ва озиқ-овқат тармоқларида капитал қўйилмаларни кўпайтириш билан характерланади. Саноатлаштиришнинг 3-босқичида (2000 йилдан кейин) импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш негизида экспортга йўналтирилган саноат соҳаларини барпо қилиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Янги технологиялар ва инновацияларни яратиш саноатлаштиришда бир қадам ҳисобланиб, бу жараён ҳам маблағни талаб этади. Замонавий иқтисодиётда саноат ишлаб чиқариш муаммоси жаҳон хўжалигида бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, жаҳондаги геосиёсий ва геоиқтисодий вазиятлардаги объектив ўзгаришларни, ташқи иқтисодий алоқаларда алоҳида давлатлар, миллий ва трансмиллий компаниялар, халқаро саноат ҳамкорлигида фаол иштирок этаётган корхоналар манфаатларини ҳисобга олиш муҳимдир. Бунда ҳар бир тармоқнинг илмий-техник имкониятларини ҳисобга олиш, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўладиган товарларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

[1] Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: «Узбекистон», 1996. -238-б.

1-жадвал. Саноатнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни[1]

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши, %	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	21,1	21,8	21	22,3	23,6	23,9	24,1	24,0	24,2	24,1
Саноатда бандликнинг улуши, %	12,1	-	10,4	-	11,2	11,4	11,2	11,2	11,2	13	-	-	13	12,9	-

2000 йилдан кейинги даврда тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан мақсад ушбу саноатнинг ягона техник, молиявий тармоғини ташкил этиш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш эди. Ушбу мақсадга эришишда тармоқда келишилган инвестиция сиёсатини ўтказиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, илғор саноат технологияларини жорий этиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун корхоналарни замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тармоқда иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини чуқурлаштириш, корхоналарни кенг кўламда акциялаштириш, сифатли таркибий қайта ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш устидан ягона назоратни амалга ошириш, пахта толасини қайта ишлаш, корхоналарни зарур материаллар, техника ресурслари билан таъминлаш, аҳоли эҳтиёжлари ва талабларини шакллантиришнинг ижтимоий жиҳатларини ишлаб чиқиш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлари амалга оширилди.

Натижада ЯИМда саноатнинг ҳиссаси ошиб бормоқда.

Саноатнинг ЯИМдаги улуши оралиқ йилларда камайган бўлса-да, умуман олганда ўсган. 1998-2002 йилларда ЯИМда саноатнинг ҳиссаси ўзгармас ҳолда қолган бўлса ҳам, 2003 йилдан бошлаб ЯИМда саноатнинг ҳиссаси йилдан йилга ошиб бормоқда. 2004 йилда бу кўрсаткич 17,5%ни ташкил қилган бўлса, 2005 йилдан бошлаб 20%дан ошишига эришилди. Саноатда таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётганлиги боис ЯИМда саноатнинг ҳиссаси йилдан йилга ортиб бормоқда. 2014 йилда 2013 йилга нисбатан саноатга инвестиция 16,3%га ўсди. Умумий киритилган инвестицияларнинг 36,3%и саноатга йўналтирилган. (Бу кўрсаткич 2005 йилда 32,6%ни, 2010 йилда 30,4%ни, 2011 йилда 33,8%ни, 2012 йилда 34,2%ни ва 2013 йилда 34,2%ни ташкил этган). Жумладан, 2015 йилда инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди. Натижада 2015 йилда ЯИМда саноатнинг ҳиссаси 33,5%ни

[1] Альманах Узбекистан 2010. – Т: «Niso poligraf», 2010. С. 48; Ўзбекистон рақамларда 2014. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тезкор матбаа ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, 2014. -111-б.

1-расм. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (%да)[1]



ташкил этди[1]. Саноатнинг жами бандликдаги улуши эса сўнгги 10 йилда деярли ўзгармаган.

2000-2014 йиллар орасида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръати 8,6%ни ташкил этди. Саноат корхоналарида кўп турдаги маҳсулотларнинг янги турлари яратилди.

Миллий саноатнинг устувор тармоқларида кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми динамик шаклда ўзгармоқда. Албатта, бу ўзгаришлар саноат тармоқларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, таркибий сиёсат, ички ва халқаро бозордаги коньюктуравий ўзгаришлар натижаси ҳисобланади.

Саноат соҳаси ишлаб чиқариш суръатлари жадал ошаётган соҳалардан ҳисобланади. Саноат тармоғининг енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё саноати, қора ва рангли металлургия тармоқлари жадаллик билан ўсмоқда. 2005-2014 йиллар давомида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2,3 марта ошди. Диверсификация (ҳар хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш) коэффициенти 2 марта кўпайди. 2005-2014 йилларда саноатнинг тармоқларида ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръати турли фоизларни ташкил этди. Жумладан, электр энергиясида 1,6%ни, ёқилғи саноатида 5,9%ни, қора металлургияда 8,0%ни, рангли металлургияда 0,5%ни, кимё ва нефть кимёсида 11,2%ни, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғида 20,4%ни,

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Альманах Узбекистан 2010. – Т: «Niso poligraf», 2010. С. 53; Ўзбекистон рақамларда 2014. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тезкор матбаа ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, 2014. -113-б.

2-жадвал. Саноат тармоқларини ишлаб чиқариш индекси динамикаси ўтган йилга нисбатан %[1]

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2005-2014 ўртача йиллик ўсиш
ЯИМ	104,2	104,0	104,2	107,7	107,0	107,3	109,5	109,0	108,1	108,5	108,3	108,2	108	108,1	108,1
Саноат	107,6	108,3	106	109,4	107,2	110,8	112,1	112,7	109	108,3	106,3	107,9	109,6	108,3	109,3
Электр энергия	95,8	101,5	98,5	99,1	97,8	106,4	101,8	97,7	101,2	104,5	101,0	101,8	101,3	102,2	101,6
Ёқилғи	96,4	102,4	100,5	106	99,1	105,1	110	125,9	110,3	103,5	100,3	105,5	101,5	98,1	105,9
Қора металлурия	110,6	104,3	109,1	131,6	105,3	111,6	111,9	105,4	108,4	105,8	106,3	107,2	102,8	116,5	108
Рангли металлургия	101,8	105,9	98,6	104,9	97,6	99,2	101,4	94,9	102,6	99,1	102,4	102,7	103,5	101,7	100,5
Кимё ва нефть кимёси	106,8	113,8	108,1	103,3	108,1	117,1	118,3	108,2	111	115,4	107,9	111,9	104,1	108,9	111,2
Машинасозлик	124,8	108,8	130,7	132,1	131,1	124,2	129,5	124,2	117,4	111,6	112,2	116,3	124,2	113,5	120,4
Ёғочсозлик ва қоғоз саноати	108,6	113,2	112	119,1	125,7	122,7	132,7	128,9	119,1	107,0	107,1	110,1	123,4	-	-
Қурилиш материаллари	105,9	102,2	99,5	112,3	110,4	114,9	108,9	111,6	108,7	108,7	111,9	113,6	115,6	110,7	111,7
Енгил саноат	112,4	109	106,4	106,4	111,9	108	107,6	105,6	106	117,3	104,7	112,9	111,9	116,1	110,2
Озиқ-овқат саноати	109,4	119,2	106	104,4	111,8	130,2	117,6	126,2	108,2	113,1	113,1	106,7	109,3	107,6	114,3

[1] Альманах Узбекистан 2010. – Т.: «Niso poligraf», 2010. –С. 50; Ўзбекистон рақамларда 2014. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тезкор матбаа ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, 2014. –113-б.

3-жадвал. Саноат ривожланиши самараси кўрсаткичлари, %да[1]

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2005	2010	2013	2014
Ёқилғи-хом ашё тармоқларининг саноатдаги ҳиссаси (ёқилғи-энергетика, металлургия, қурилиш, пахта тозалаш саноатлари)	61,5	53,3	45,3	42,9
Қайта ишловчи тармоқларнинг саноатдаги ҳиссаси (кимё, машинасозлик, енгил, озиқ-овқат)	38,5	46,7	54,7	57,1
Иқтисодиётда техник тараққиётни таъминловчи тармоқларнинг саноатдаги ҳиссаси (машина қурилиш, электр энергетика, кимё саноати)	29,5	29,3	31,4	32,3
Саноат ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт ҳиссаси	34,3	36,3	30,1	22,8
Ёқилғи-хом ашё тармоғининг ўсиш даражаси (ўтган йилга нисбатан)	102,6	103,3	103,9	103,2
Қайта ишловчи тармоқларнинг ўсиш даражаси (ўтган йилга нисбатан)	114,2	116,6	115,1	115,1

қурилиш материаллари саноатида 11,7%ни, ёғочсозлик ва қоғоз саноатида 9%ни, енгил саноатда 10,2%ни, озиқ-овқат саноатида 14,3%ни ташкил этган. Умуман олганда, саноат ишлаб чиқариш хажмининг ушбу давр да ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръати 8,1%ни ташкил этган. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё саноати, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика ва мебелсозлик жадал суръатлар билан ривожланди. Саноат тармоғида янги технологияларнинг ўзлаштирилиши ва янги корхоналарнинг қурилиши ушбу соҳада меҳнат унумдорлиги ошганлигини кўрсатди. Модернизация жараёнларининг тезлашиши, техник ва технологик янгиланиш, ишлаб чиқариш диверсификацияланиши саноатда сифатли таркибий ўзгаришларнинг амалга ошишига олиб келди. Саноат сиёсатининг асосий йўналишлари рақобатбардошликни ошириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялашга йўналтирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқариши сифат кўрсаткичининг ошишига олиб келди. 2005-2014 йиллар давомида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноат тараққиётида ижобий омил бўлди. Етакчи иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар самарасида ички бозордан сотиб олиш ҳажми ортмоқда. «MAN», «CLASS», «Lemken», «Toshiba», «Candy», «LG», «Samsung» каби компаниялар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида ўртача йиллик ўсишнинг 120,4%ни ташкил этиши қайта ишлаш саноатида ўртача йиллик ўсиш 115,8% бўлишига олиб келди. Озиқ-овқат, кимё, нефть-кимё ва енгил саноат тармоқларида ҳам ўртача йиллик ўсиш юқори суръатларни ташкил этди. Саноатда диверсификациялаш даражасининг ошишига электр энергетика, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия, машинасозлик, енгил саноат соҳаларидаги диверсификациянинг ўсиши таъсир кўрсатди. 2005 йилда қайта ишлаш саноати умумий саноатда 38,5%ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 57,1%ни ташкил этди. Саноат таркибида ижобий тенденциялар иқтисодиётда техник ривожланишни таъминловчи тармоқларда содир бўлган (2005 йилда 29,5%дан 2014

[1] Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014 гг.). / Под общей редакцией д.э.н. А.М.Садыкова. – Т.: IFMR, 2015. –С. 50.

4-жадвал. Саноат тармоқларининг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси (%да)[1]

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	20212	2013	2014
Саноат, жумладан	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Электр энергия	8,5	8,1	7,7	9,1	10,9	11,3	10,0	9,4	8,6	8,9	8,4	8,0	7,7	7,1	7,1
Ёқилғи	15,3	13,2	13,4	12,2	13,4	16,2	17,0	18,0	20,1	21,5	19,2	17,5	18,0	15,0	13,1
Қора металлургия	1,2	1,4	1,5	1,8	2,6	2,3	2,3	2,4	2,9	2,4	2,4	2,6	2,6	2,3	2,4
Рангли металлургия	10,2	10,9	13,4	15,0	15,4	17,1	18,5	15,8	12,6	11,7	11,3	10,4	10,0	9,0	8,8
Кимё ва нефть кимёси	5,7	5,6	5,6	5,8	5,6	5,2	4,8	4,7	5,1	4,7	5,1	5,5	5,5	5,4	5,5
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,9	11,2	10,3	12,3	12,2	13,0	13,8	15,0	16,2	16,2	16,2	16,1	17,5	18,8	19,7
Қурилиш материаллари	5,4	5,2	4,6	4,1	3,9	3,6	4,2	5,3	4,9	4,7	5,0	5,3	5,5	6,5	6,1
Ёғочсозлик ва қоғоз саноати	1,4	1,3	1,3	1,2	1,1	0,9	0,8	0,9	1,0	1,1	1,1	1,1	1,3	1,4	-
Енгил саноат	19,1	20,0	19,5	19,7	19,2	16,6	14,6	14,1	12,9	12,2	13,4	13,5	12,9	13,2	14,0
Озиқ-овқат саноати	13,3	12,6	14,3	12,3	9,5	8,2	8,9	9,0	10,6	11,2	12,6	14,0	13,2	15,7	16,0
Бошқалар	10,0	10,5	8,4	6,5	6,2	5,6	5,1	5,4	5,1	5,4	5,3	6,0	5,8	5,6	7,3

[1] Альманах Узбекистан 2010. – Т.: «Niso poligraf», 2010. –С 50.; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тезкор матбаа ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, 2014. –114-6.

йилда 32,3%га кўтарилган). Истеъмол товарларни ишлаб чиқариш 39,6%га етди (2014 йил). Бу кўрсаткичнинг ошишига ички талабни рағбатлантириш ҳамда аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиши таъсир кўрсатди. 2005 йилдан бошлаб 2014 йилгача саноатда ишлаб чиқариш самарадорлиги 1,4 марта ошди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги энг юқори суръатларда ошиб бораётган тармоқ машинасозлик саноати ҳисобланиб, 2014 йилда бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 3,3 баробарни ташкил этди. 2005-2014 йиллар давомида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,2 марта ошгани саноат корхоналарининг янги бозор шароитларига тўла мослашганини исботлайди. Бу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш юқори суръатларда ўсиб борди. Ёқилғи хом ашё саноати 2005 йилда 2014 йилга нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса, бу кўрсаткич қайта ишлаш саноатида 3,8 мартани ташкил этган.

4-жадвал саноат тармоғида электр энергия, ёқилғи, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, рангли металлургия тармоқлари алоҳида аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. 2000-2014 йиллардаги тармоқдаги таркибий ўзгаришларни кўрсак, электр энергия тармоғининг саноатдаги ҳиссаси 7,1% атрофида бўлиши, ёқилғи саноатининг 15,3%дан 13,1%га тушиши, аммо йиллик ўртача 5%дан ортиқ қўшимча ўсишга эришилиши ёқилғи-энергетика мустақиллиги таъминлангани ва тармоқда қайта ишлаш салоҳияти кенгайганини кўрсатади. Машинасозлик тармоғининг улуши 9,9%дан 19,7%га, металлургия ҳиссаси ўзгармаганлиги замонавий корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатаётганини билдиради. Кимё ва нефть кимёси, ёғоч ва қоғоз саноати, қурилиш материаллари саноатининг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улушлари деярли ўзгармаган бўлса-да, ушбу соҳаларда ҳам иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди.

«Ўзнефтгаз» томонидан 127 та ва «Ўзкимёсаноат» томонидан 19 та корхонанинг хусусийлаштирилиши бу тармоқларнинг ҳам ривожланишини кўрсатмоқда. Ушбу йиллар давомида саноат соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари маълум маънода машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қора металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноатида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳисобига амалга оширилди. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё ва нефть кимёси, қурилиш материаллари, электр энергетика, пахта тозалаш, тўқимачилик, тикув, озиқ-овқат, ун, дон, ойна, чинни, тиббиёт, матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни ошириш натижасида газ, электр энергия, кўмир, пўлат, цемент, автомобиль ишлаб чиқариш ўсди. Ушбу йилларда маҳаллий саноат корхоналари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида консерваланган гўшт, шунингдек, кийим-кечак, цемент, бетон, ёнғинга чидамли ҳимоя воситаларини импорт қилиш сезиларли даражада камайди.

Юқори натижалар саноатнинг машинасозлик, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби тармоқларида эришилди. Автомобиль қуйиш тармоғининг интенсив ривожланиши кузатилди. Бу автомобиллар ишлаб чиқариш физик ҳажмининг кўпайиши натижаси ҳисобланади. Ташқи ва ички бозорларда юқори талабга эга бўлган автомобиль русумларини ишлаб чиқариш кўпайди: «Matiz», «Damas», «Nexia» ва «Lacetti» машиналаридан ташқари, «Optima», «Gentra», «Cobalt», «Spark» русумидаги автомобилларнинг янги моделини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Самарқанд вилоятида йилига 3 минг дона юк автомобили ва тиркама техникаси ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг яратилиши (қиймати 69,38 миллион доллар), Андижон вилоятида «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ автомобиллари учун

йилига 900 минг дона диск ва 123 минг дона шасси узеллари ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши, Фарғона шаҳрида юқорида зикр этилган янги моделдаги автомобиллар учун йилига 120 минг коплект штамппайванд деталлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, шунингдек, автомобиль ўриндиқлари, ойналари, аккумляторлари, кўтаргичлари, бамперлар, пластмасса деталлар, эшик қопламалари, радиаторлар, вентиляция ва иститиш тизимларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Электротехника ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоқларининг ривожланиш суръатлари ошди. Электротехника тармоғи ишлаб чиқариш ҳажмида музлаткичлар, совутгичлар, телевизорлар ва бошқа шу каби маҳсулотлар улуши паст даражада сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга, трансформатор, кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди, лифт ишлаб чиқариш қайта тикланди.

Қишлоқ хўжалик машинасозлигида эҳтиёт қисмлар, енгил ва тўқимачилик саноати учун ускуналар, трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалик машиналари учун тиркагич мосламаларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсишига эга бўлишига қарамай, трактор ишлаб чиқаришда катта кўрсаткичларга эришилмади.

Ташқи бозорда қора ва рангли металларга барқарор талаб ва ички бозорларни миллий маҳсулотлар билан тўлдириш зарурияти, шунингдек, маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши металлургия мажмуасида эришилган ўсишнинг муҳим омиллари бўлди. Кимё мажмуаси тармоқларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш барқарор ривожланмоқда, асосий кимё ишлаб чиқариши таркибида «тор ўрин»га эга бўлган, миллий тушунчада нефть-кимё саноатининг, шунингдек, калийли ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоялаш бўйича кимё воситаларини кенг ишлаб чиқариш асосий ўринни эгалламоқда.

Тўлов қобилиятига эга бўлган талабнинг ортиши шароитида ички баҳолар даражасининг импорт баҳолар даражасига яқинлашиши озиқ-овқат саноатининг ривожланишида турғун динамиканинг шаклланиши омилларидан бири бўлди. Шакар, ун ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми камайди. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишини таъминлаш учун ички бозордаги барқарор талаб, шунингдек, экспортнинг ўсиши қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаган асосий омил бўлди. Мамлакат саноат ишлаб чиқаришида қурилиш материаллари саноатининг улуши паст даражада сақланиб, 6,1%ни (2014 йил) ташкил қилди. Тармоқлар ривожланишига баҳоларнинг ўсиши, ички ва ташқи талаб конъюктураси каби омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мақсадли дастурларни амалга ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- чарм хом ашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
- халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;
- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;
- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

● саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;

● маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш;

● маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

● ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш[1].

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш даражаси ҳам турли вилоятларда турлича фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши 2014 йилда Тошкент шаҳрида энг катта фоизни ташкил этди (4,68%). Ундан ташқари, Самарқанд, Андижон, Хоразм, Наманган вилоятларида ҳам бу кўрсаткич сезиларли фоизни ташкил этди. Инвестицияларнинг асосий ҳиссаси ҳам шу вилоятларга сарф этилди. Бу йиллар давомида Қўнғирот сода заводи, Тўполанг ГЭС каби йирик объектлар ишга туширилди, АПО «Ўзметкомбинат»да мис ўрамлари ишлаб чиқариш ва уни эритиш йўлга қўйилди, «Кўкдумалоқ» ҚКда газларни утилизация қилишнинг биринчи навбати ишга туширилди, Фарғона НҚИЗда газофракция ускунасининг қурилиши ва Газли-Саримай газ етказиб бериш тизимининг қурилиши тугалланди, тўқимачилик саноатида бир нечта инвестиция лойиҳаси якунланди, саноатнинг ўзак тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича чоралар кўрилганлиги, тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши натижасида совутгич ва музлаткич, кир ювиш машиналари, телевизор, спиртсиз ичимликлар, мева шарбатлари, шакар, макарон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, гилам, фарфор маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши Ўзбекистоннинг мустаҳкам иқтисодий ўсиши экстенсив омилларни кўпайтириш ҳисобига эмас, балки тизимли бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама ўйланган кетма-кет амалга оширилувчи сиёсат, хорижий инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётда чуқур тизимли ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш, янги экспортга йўналтирилган тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига амалга ошди.

Машина, кимё саноатлари каби юқори ривожланган тармоқлар замонавий иқтисодиётнинг етакчи бўғинлари ҳисобланади. Ушбу тармоқлар иқтисодиётнинг бош генератори вазифасини бажарди. Етакчи тармоқларнинг ривожланиши қувватли ишлаб чиқариш, техник, кадр ва илмий базага асосланади. Кимё ва нефть-кимё саноатини ривожлантиришда ишлаб чиқаришнинг самарали ўсишига, чиқиндилар чиқишини камайтиришга, саноат чиқиндиларини фойдали суратда ишлатишга, устун йўналишларини молиялаштиришга, минерал ва углеводород хом ашёсини комплекс ишлатишни таъминлашга имкон берувчи янги техника ва технологияларни кенг даражада қўллаш, озон қатлами учун хавфсиз бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, анилин ва лак бўёқ саноати учун нитробензолни олишнинг янги технологиясини жорий этиш, тиббиёт воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатни саноатлаштириш жараёнини амалга оширишда ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарасидан фойдаланиш имкониятига эга. Бу имконият ва қулайликлардан ўз вақтида ва оқилона фойдаланиш, шубҳасиз саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012. –16-б.

имконини беради. Бунда рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чора-тадбирларининг изчил олиб борилиши, саноат маҳсулотлари хусусиятларини кенг оммага етказиш институтлар хизматидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарини замон талабларига мос, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъминлаш мақсадида уларни модернизация қилиш ишларини жадаллаштириш ва молиявий ҳолатини яхшилаш каби омиллар алоҳида ўрин тутади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. -238-б.

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012. –16-б.

4. Альманах Узбекистан 2010. – Т.: «Niso poligraf», 2010. –53-б.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тезкор матбаа ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, 2014.

6. Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014 г.г.). / Под общей редакцией д.э.н. А.М.Садыкова. – Т.: IFMR, 2015.

Джалилов А.А.,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази кичик илмий ходими

КИЧИК БИЗНЕСНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

ДЖАЛИЛОВ А.А. КИЧИК БИЗНЕСНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий таянч нуқтаси ҳисобланади. Мақолада кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ривожланиш босқичлари, турлари ва моделлари тадқиқ қилинган. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун давлатнинг кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш йўллари ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: кичик бизнес, кафолат фондлари, қимматли қоғозлар бозори, банк-молия инфратузилмаси.

ДЖАЛИЛОВ А.А. ОСНОВНЫЕ ВИДЫ ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО БИЗНЕСА ГОСУДАРСТВОМ

В условиях рыночной экономики малый бизнес становится основным драйвером социально-экономического развития национальной экономики. В статье исследованы этапы развития, виды и модели финансовой поддержки малого бизнеса со стороны государства. Разработаны пути финансовой поддержки малого бизнеса со стороны государства для устойчивого развития экономики Узбекистана.

Ключевые слова: малый бизнес, гарантийные фонды, рынок ценных бумаг, финансово-банковский инфраструктура.

DJALILOV A.A. MAIN FORMS OF THE PUBLIC FINANCIAL SUPPORT FOR SMALL BUSINESS

In market economy, small business becomes one of the main driver of sustainable development of the national economy. The article studies the stages of development, forms and models of public financial support for small businesses. There is considered in the article ways of public financial support for small businesses to provide sustainable development of the economy of Uzbekistan.

Keywords: small business, guarantee funds, stock market, financial and banking infrastructure.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида асосий иштирокчи сифатида қаралади. Айнан кичик бизнес бозорда кучли рақобат муҳитининг яратилиши, миллий ишлаб чиқариш рақобатдошлигини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, жаҳон амалиётидан кўринадики, кучли рақобат муҳитида енгиб чиққан кичик бизнес субъекти йирик бизнесга асос бўлади.

Кўплаб ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари амалиётидан кўринадики, миллий иқтисодиётнинг бу даврида кичик бизнес субъектлари айланма фондларнинг танқислиги, капиталлашув даражасининг пастлиги, асосий воситалар модернизациялашув жараёнининг сустлиги каби бир қатор муаммоларга дуч келади. Бундай ҳолларда кичик бизнес субъектларига давлатнинг молиявий кўмаги зарур ҳисобланади.

Жамият ривожланишининг турли босқичларида иқтисодий тизимга давлат аралашуви бўйича турли қарашлар ва концепциялар шаклланган. Бунинг асосида турли иқтисодий мактаблар вужудга келган. Бу иқтисодий мактабларнинг шаклланиш даврига қараб давлатнинг иқтисодиётга аралашувига турлича ёндашилган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кичик бизнесни ривожлантириш ва уни иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ролини ошириш, кўпчилик ҳолларда бу субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади. Давлат сиёсати хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар Дж.М.Кейнс тадқиқотида ўз исботини топган. Унинг фикрича, «Давлат турли бошқарув восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда инвестицион ва истеъмол фаолиятига таъсир этиши керак, истеъмолга мойиллик ва инвестициялашни оширишни йўналтириши мақсади муносабати билан давлатнинг функцияси кенгаяди... мавжуд иқтисодий шаклларнинг батамом бузилишининг олдини олишнинг ягона амалий имконияти ... шахсий ташаббусни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур шароитдир»[1].

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги моделлари мавжуд[2].

Либерал модель, давлатнинг сезиларсиз даражадаги иштирокига асосланиб, қуйидаги белгилари билан аниқланади: давлат ташкилотларининг қисқариши, кичик ва ўрта бизнес субъектларида либерализм, ижтимоий соҳадаги вазифаларни амалга оширишда давлат иштирокининг минималлиги. Бу моделда, давлат монетар сиёсат орқали макроиқтисодий сиёсат ёрдамида бошқарув вазифасини амалга оширади. Бу модель АҚШ, Франция, Буюк Британияга хосдир.

Ижтимоий-йўналтирилган модель, бу моделда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви юқори бўлиб, бозорнинг асосий қоидаларини белгилашда давлат фаол иштирок этади; макроиқтисодий жараёнлар, кичик ва ўрта бизнес фаолияти давлат томонидан бошқарилади; аҳолининг уй-жой, маданият ва таълим, аҳолини иш билан банд қилиш, соғлиқни сақлаш хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш давлат томонидан амалга оширилади.

XX асрнинг 1929-1938 йилларидаги кўплаб бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда юзага келган буюк дипрессия

[1] Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002. –С. 352.

[2] Совершенствование механизма государственной поддержки субъектов малого и среднего предпринимательства: коллективная монография. / Под общ. ред. В.В.Алещенко, В.В.Карпова. – Омск: ИЦ «Омский научный вестник», 2015. –С. 188.

даврида, давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга доир инқирозга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқишини бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг биринчи босқичи сифатида кўриб чиқиш мумкин. Айнан шу босқичда давлатнинг тадбиркорларга билвосита таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланилган.

Кичик ва ўрта бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иккинчи босқичи ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа) XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Айнан шу даврда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватловчи ихтисослашган давлат инфратузилмалари тузилган; бунинг асосида махсус давлат бошқарув органлари ташкил этилган. Давлат миқёсидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш давлат бошқарув органларининг барча бўғинларида, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат бошқаруви тизими шакллантирилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг учинчи босқичида нафақат кичик ва ўрта тадбиркорликнинг маълум бир турини ривожлантириш, балки умуммиллий иқтисодиёт даражасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни назарда тутади. Ҳозирги кунда, бу босқичда миллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционистик сиёсатни олиб бориш уларни жаҳон бозорига чиқиш ва янги бозорларни эгаллашга кўмаклашиш кўринишида бўлган. Ҳозирги кунда эса кичик ва ўрта тадбиркорликнинг инновацион ривожланишига катта аҳамият қаратилмоқда.

Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш схемасини турли иқтисодчи олимлар томонидан турли қарашлари мавжуд. Ўрганилган адабиётлар шуни кўрсатадики, турли иқтисодчи олимлар ўзларининг нуқтаи назаридан ва яшаб турган мамлакатнинг қонунчилига ҳамда унинг ўзига хослигидан келиб чиқишган. Жумладан, Н.Б.Завьялов, О.В.Сигановлар Россия Федерациясида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш иерархик схемасини ишлаб чиққан бўлиб, у федерал, ҳудудий, муниципал жиҳатларини қамраб олган[1].

Р.Б.Гамидуллаев кичик инновацион корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кўриб чиқиб, дастурий-мақсад қисми, ташкилий ҳуқуқий ва ресурслардан фойдаланиш қисмларини ўрганган[2].

О.Н.Зубатих, Е.А.Колесниченко схематик тарзда давлат-хусусий сектор ўзаро ҳамкорлигини кичик бизнес мисолида кўриб чиққан. Жумладан, ҳуқуқий жиҳатдан кичик тадбиркорликнинг ҳимоялаш, молия-кредит, ахборот-методик, солиқ имтиёзлари ва антимонопол сиёсати[3] ўрганилган. Фикримизча, кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш 1-расмдаги кўринишда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи жуда кенг қамровли бўлиб, давлат кичик бизнесни турли усуллар билан қўллаб-қувватлайди, шунинг учун бу юқорида келтирилган моделга яна бошқа жабҳаларни ҳам кўриш мумкин бўлади.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини иккига бўлиш мумкин, булар: давлат ва корпоратив. Ривожланган мамлакатлар бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик

[1] Завьялова Н.Б., Сагинова О.В., Сидорчук Р.Р., Скоробогатых И.И. Уровень государственной поддержки малого бизнеса с точки зрения ее получателей. // «Маркетинг и маркетинговые исследования», 2013, № 2 (104). -С. 82-93.

[2] Гамидуллаев Р.Б. Анализ механизмов государственной поддержки малого инновационного предпринимательства. // Известия ПГПУ им. В.Г.Белинского, 2012, № 28. -С. 298.

[3] Зубатых О.Н., Колесниченко Е.А. Государственно-частное партнерство как фактор развития малого бизнеса в регионах России в посткризисный период. // «Социально-экономические явления и процессы», 2011, № 9. -С. 53-57.

1-расм. Кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш модели



даражаси қанчалик юқори бўлса, кичик корхоналарнинг йирик корхоналарга боғлиқлиги шунчалик ошиб боради. Шунингдек, кичик ва йирик ташкилотларнинг ўзаро алоқадорлиги нафақат ишлаб чиқариш жараёнида, балки саноатга хизмат кўрсатиш бўйича ҳам интеграциялашган. Бундан ташқари, барча давлатларда кичик бизнеснинг бошланғич босқичида давлат катта роль ўйнайди.

Кичик бизнесни давлат томонидан молия-кредит жиҳатдан қўллаб-қувватлаш икки асосий йўналиш орқали амалга оширилади. Биринчиси, кичик бизнесни тўғридан-тўғри бюджет орқали молиялаштириш, яъни, кичик бизнес субъектларига тўғридан-тўғри дотация, субсидия, кредитлар, тижорат банк кредитларига кафолат бериш, кредит олган кичик бизнес субъектлари фойда кўрган тақдирда кредит фоиз ставкасини пасайтириш орқали уларнинг зарарини қоплаш орқали молиялаштирилади.

Кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг иккинчи йўли билвосита таъсир кўрсатиш бўлиб, бунда давлат бу бизнес фаолияти учун қулай муҳит яратиши орқали тадбиркорларда капитал жамғарилишини амалга оширади. Бу турдаги чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади: кичик бизнес субъектлари учун солиқ имтиёзлари ва солиқ тўлаш тартибини соддалаштириш; кичик корхоналар асосий воситалари амортизация жараёнини тезлаштириш; кичик тадбиркорлик фаолиятида лизинг тизимини кенг жорий этиш ва бошқалар (2-расм).

Ҳозирги кунда ўтиш давридаги кўплаб мамлакатлар давлат бюджетида кичик бизнесни ривожлантириш учун етарлича молиявий қўллаб-қувватлаш имконияти мавжуд эмас. Мамлакатнинг йирик компаниялари томонидан кичик корхоналарни молиялаштириш кенг тарқалган, жумладан: йирик корпорациялар, банклар, суғурта компаниялар янги кичик бизнес субъектини кредитлашда солиқ ва бошқа имтиёзларни бериш, кредит кооперативлар ва бошқа ихтисослашган институтларни тартибга солувчи норматив-методологик базани яратиш ва бошқаларни амалга оширади.

Республикамизда кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳам бевосита, ҳам билвосита йўлидан фойдаланилади. Давлат томонидан тадбиркор-

2-расм. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш турлари ва усуллари.

лик муҳити ва хусусий мулчиликни рағбатлантириш учун бир қатор қонун ва дастурлар қабул қилинган. Кичик корхоналарнинг давлат идораларига молиявий ва статистик ҳисоботлар топшириш жараёни қисқартирилиб, соддалаштирилмоқда. Бундан ташқари, бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий этилган. Натижада эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2000 йилда 31%дан 2015 йилда 56,7%га ошди[1]. Бу соҳада бандларнинг жами иқтисодиётда бандлардаги улуши 77%дан ортиқни ташкил этмоқда[2]. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, 2010-2014 йиллар оралиғида кичик корхоналарни инвестициялашнинг катта қисми корхоналарнинг ўз маблағлари ва банк кредитлари орқали амалга оширилиб, уларнинг ўртача улуши мос равишда 48,7 ва 29,2%ни ташкил этмоқда[3]. Бу молиявий манбаларнинг юқорилиги кичик бизнесни молиялаштиришни бошқа молиявий институтлар орқали амалга ошириш имконияти борлигидан далолат

[1] Каримов И.А. Наша главная цель – углубить осуществляемые реформы и структурные преобразования в экономике, обеспечить ускоренное развитие частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. – Т.: «Узбекистан», 2016. -С. 2.

[2] Ўша манба.

[3] Ўша манба.

беради. Шунинг учун кичик бизнес мамлакат иқтисодий ривожланишини таъминлаши учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– қонунчиликда инновацион маҳсулотга республика ва халқаро патентлаштириш идораларининг патент берилганлигига қараб таъриф бериш. Бунинг асосида инновацион маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналарга инновацион маҳсулот тушумини 2-5 йилгача солиқ таътили бериш;

– нобанк молия институтлари кичик бизнесга кредит берган тақдирда, берилган кредит миқдорига қараб молиявий институтларга солиқ имтиёзларини бериш;

– кичик корхоналарни арзон молиявий маблағ билан таъминлаш мақсадида республикада кичик бизнес субъектлари учун қимматли қоғозлар бозорини яратиш;

– юқорида санаб ўтилган муносабатларда содир бўладиган рискларнинг муқобил тақсимланиши учун кредит кафолат фондларини ташкил этиш керак бўлади.

Ўйлаймизки, юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий-ижтимоий ривожланишига олиб келади. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларида инновацион фаолият билан фаол шуғулланувчи корхоналарнинг улуши ошади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Наша главная цель – углубить осуществляемые реформы и структурные преобразования в экономике, обеспечить ускоренное развитие частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. – Т.: «Узбекистан», 2016. -С. 2.

2. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1978. -С. 455.

3. Совершенствование механизма государственной поддержки субъектов малого и среднего предпринимательства: коллективная монография. / Под общ. ред. В.В.Алещенко, В.В.Карпова. – Омск: ИЦ «Омский научный вестник», 2015. –С. 188.

4. Завьялова Н.Б., Сагинова О.В., Сидорчук Р.Р., Скоробогатых И.И. Уровень государственной поддержки малого бизнеса с точки зрения ее получателей. // «Маркетинг и маркетинговые исследования», 2013, № 2 (104). -С. 82-93.

5. Гамидуллаев Р.Б. Анализ механизмов государственной поддержки малого инновационного предпринимательства. // Известия ПГПУ им. В.Г.Белинского, 2012, № 28. -С. 298.

6. Зубатых О.Н., Колесниченко Е.А. Государственно-частное партнерство как фактор развития малого бизнеса в регионах России в посткризисный период. // «Социально-экономические явления и процессы», 2011, № 9. -С. 53-57.

Мамбетжанов Қ.Қ.,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ

МАМБЕТЖАНОВ Қ.Қ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ

Мақолада иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларининг миллий ҳисоблар тизимига таъсири, диверсификация даражалари ва иқтисодий ўсиш мезонлари таҳлил қилинган ҳамда шу асосда илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Таянч иборалар: миллий ҳисоблар тизими (МҲТ), модернизация, диверсификация, МҲТ андозалари.

МАМБЕТЖАНОВ К.К. ВЛИЯНИЕ ПРОЦЕССОВ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА СИСТЕМЫ НАЦИОНАЛЬНЫХ СЧЕТОВ

В статье проанализированы влияние процессов модернизации экономики на систему национальных счетов, уровень диверсификации и критерии экономического роста, а также на основе этого разработаны научные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: система национальных счетов (СНС), модернизация, диверсификация, стандарты СНС.

MAMBETJANOV K.K. IMPACT OF PROCESSES OF ECONOMIC MODERNIZATION TO THE SYSTEMS OF NATIONAL ACCOUNTS

There is provided in the article influence of the economy modernization processes to the system of national accounts. It is analysed the level of diversification and criteria of economic growth, as well on the basis of this research there are developed proposals and practical recommendations.

Keywords: system of national accounts (SNA), modernization, diversification, the SNA standards.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш жараёнларининг кучайиши амалиётда қўлланилиб келинаётган миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)ни ҳалқаро андозаларга мослаштирган ҳолда такомиллаштиришни талаб қилади.

Бу хусусда, биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига жавоб берадиган, миллий ҳисоблар тизимини тузишни таъминлайдиган ҳамда халқаро статистика андозаларига мувофиқ бўлган ягона статистика методологияси ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиб, татбиқ этиш асосий вазифалардан биридир»[1], деб таъкидлаган эди.

Шундай экан, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларининг қай даражада амалга оширилаётганлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян мезонларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Лекин аксарият ҳолатларда модернизация тушунчасига жуда тор маънода ёндашилади. Ваҳоланки, бу хусусда, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз»[2], деган фикри ушбу тушунчанинг нақадар кенг қамровли эканлигидан далолат беради. Қолаверса, ҳозирги кунда республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг ҳисоб-китоб қилиниши ва шу билан боғлиқ бўлган мезонларнинг ишлаб чиқилиши, уларнинг объектив иқтисодий қонунлар асосида ўзаро таъсирининг илмий тадқиқ қилиниши энг долзарб муаммолардан бири саналади.

Миллий иқтисодиётнинг модернизация қилиниши унинг тармоқ ва соҳаларига бевосита таъсир қилади. Унинг таъсири қуйидаги йўналишларда амалга ошиши мумкин:

1. Модернизациялаш туфайли иқтисодиётда мутлақо янги ишлаб чиқариш ёки тармоқнинг пайдо бўлиши.

2. Саноат тармоқларида диверсификациянинг кучайиши.

3. Саноат тармоқларининг техник ва технологик жиҳатдан қайта қуролланиши.

4. Тармоқ ишлаб чиқаришига янги замонавий техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобига ундаги ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши.

5. Тармоқ ёки соҳа ишлаб чиқаришининг техник жиҳатдан такомиллаштирилиши натижасида ундаги меҳнат сиғимининг қисқариши.

6. Тармоқ ишлаб чиқаришида умуман янги йўналиш ва мазмундаги технологияларнинг пайдо бўлиши натижасида эски ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки умуман барҳам топиши ва ҳ.к.

Модернизация жараёни нафақат иқтисодиёт, давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситалари, ташқи сиёсат соҳаларига, балки миллий ҳисоблар тизимига ҳам бевосита алоқадор ҳисобланади. Чунки модернизация жараёнлари турли шароитларда миллий ҳисоблар тизимига (МҲТ) турлича таъсир қилиши мумкин. Уларнинг ўзаро таъсирини 1-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари МҲТни такомиллаштиришни ҳозирги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3183-сон фармони. // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 26 декабрь.

[2] Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -16-б.

1-жадвал. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг МҲТга таъсири[1]

Модернизациялаш натижасидаги ўзгаришлар	Ўзгаришларнинг МҲТга таъсири
Иқтисодиётда мутлақо янги ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ёки тармоқнинг пайдо бўлиши	МҲТнинг негизи бўлган иқтисодий фаолият турларини таснифлаш (ОКЭД)нинг янги андозасини яратишга зарурият туғдиради
Иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида товар ва хизматлар диверсификациясининг кучайиши	МҲТ тамойиллари асосида диверсификациялашув даражасини ҳисоблашни тақозо қилади
Саноат тармоқларининг асосий капитал учун инвестиция киритиши ва техник-технологик жиҳатдан қайта қуролланиши	Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида жалб қилинган техника ва технологияларнинг янгиланиш коэффициентларини ҳисоблаш жараёнларини такомиллаштиришни талаб қилади
Янги тармоқларнинг пайдо бўлиши ҳисобига эски ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки умуман барҳам топиши	МҲТнинг негизи бўлган тармоқлараро баланс жадвалининг таркибий қисмларини қайта ишлашни талаб қилади

куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айлантириб қўймоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари саноат тармоқларида диверсификациянинг кучайишига олиб келади. Фикримизча, мамлакатимизда диверсификация даражасини ҳисоблаш ишларини амалиётга киритиш иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгариш тенденцияларини ўрганишда, саноатнинг тармоқ ва соҳалари ўртасидаги мутаносиблик ҳамда мувозанатликни таҳлил қилишда, истиқболдаги вазифаларни белгилашда жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун диверсификация даражасини бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали ҳар томонлама баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидагилардан иборат:

1. ЯИМ таркибида қўшилган қиймат улушини ифодаловчи кўрсаткич. Ушбу кўрсаткич яхлит иқтисодиёт ва унинг тармоқларида яратилган қўшилган қийматнинг ЯИМга нисбати орқали аниқланади:

$$Қ.Қ.у = (∑ҚҚ/ЯИМ)*100 \quad (1)^2$$

Бу ерда: Қ.Қ.у – ялпи маҳсулот таркибида қўшилган қиймат улуши;

∑ҚҚ – тармоқлар бўйича қўшилган қийматлар йиғиндиси;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот.

ЯИМ таркибида қўшилган қийматнинг улуши қанчалик юқори бўлса, модернизация даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади ёки аксинча.

Бу хусусда Ислом Каримовнинг «Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида 2030 йилда, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефть-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин. Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради», деган фикрлари мамлакатимизда модернизациялаш жараёнларининг

[1] Ушбу жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

[2] Ушбу формула муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

қанчалик даражада жадаллик билан олиб борилаётганлигининг яққол далилидир[1].

Саноат тармоқларидаги диверсификациялашув даражасининг маълум мезонлар асосида баҳоланиши истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга. Унинг даражасини қуйидаги мезонлар асосида гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– диверсификациянинг паст даражаси (20 фоиздан паст);

– диверсификациянинг мўътадил даражаси (20 фоиздан 50 фоизгача);

– диверсификациянинг ўртача даражаси (50 фоиздан 60 фоизгача);

– диверсификациянинг юқори даражаси (60 фоиздан юқори).

2. Диверсификация даражасининг кейинги кўрсаткичи – ЯИМ таркибида янги турдаги товар ва хизматларнинг улушидир. Янги турдаги товар ва хизматлар корхоналар томонидан илгари ишлаб чиқарилмаган, модернизациялаш натижасида яратилган маҳсулотлардир.

ЯИМ таркибида янги турдаги товар ва хизматларнинг улуши қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$ЯТХУ = (ЯТХҚ/ЯИМ)*100 \quad (2)$$[2]

Бу ерда: ЯТХУ – ЯИМ таркибида янги турдаги товар ва хизматларнинг улуши; ЯТХҚ – янги турдаги маҳсулот қиймати; ЯИМ – ялпи ички маҳсулот.

ЯИМ таркибида янги турдаги товар ва хизматларнинг улуши уларнинг даражаси бўйича қуйидаги мезонлар асосида гуруҳланиши мақсадга мувофиқдир:

– паст даража (15 фоиздан паст);

– мўътадил даража (15 фоиздан 20 фоизгача);

– ўртача даража (20 фоиздан 30 фоизгача);

– юқори даража (30 фоиздан юқори).

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари натижасида саноат тармоқларининг асосий капитал учун инвестиция киритиши ва техник-технологик жиҳатдан қайта қуролланиши янада жадаллашади.

Корхоналарни техник-технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялашга киритилган инвестициялар даражаси қуйидаги мезонлар асосида гуруҳларга бўлинади:

– паст даража (4 фоиздан паст);

– мўътадил даража (4 фоиздан 10 фоизгача);

– ўртача даража (10 фоиздан 15 фоизгача);

– юқори даража (15 фоиздан юқори).

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий ин-

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Ушбу формула муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

вестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари модернизация қилинди, Қўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди, «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, «Мотор заводи» акциядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Ана шундай муҳим объектлар ҳақида гапирганда, жанубий кореялик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газкимё мажмуасини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Умумий қиймати 4 миллиард долларлардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган йирик корхоналардан бири бўлди. Мажмуанинг ишга туширилиши йилига 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳолбуки, бу маҳсулот илгари мамлакатимизга четдан, катта валюта ҳисобига олиб келинар эди. Айни вақтда мазкур корхона полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш, мингдан зиёд юқори малакали мутахассисларни иш билан таъминлаш учун имконият яратиши билан улкан аҳамиятга эгадир[1].

Бундан кўринадики, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида беқарорлик ҳукм сураётган бир шароитда Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунда, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган стратегик мақсадларни кўзлаган инвестицион дастурлар ва таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлмоқда. Бу ҳукуматимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.

ЯИМ реал ҳажмининг ўсиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишини умумлаштирган ҳолда акс эттирувчи, аҳолининг ўсиб ва ўзгариб бораётган эҳтиёжлари, турмуш сифатини яхшилаш қобилиятини ифодаловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодий ўсишни унинг мезонлари бўйича турларга ажратиб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш мезонларини аниқлаш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилди[2]. Унга кўра, иқтисодий ўсишни унинг мезонлари бўйича қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги ПП-1464 сон қарори.

2-жадвал. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги ўсиш суръатлари (фоизда)[1]

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2000	2005	2010	2015
ЯИМ	103,8	107,0	109,0	108,0
Саноат маҳсулоти	105,9	107,3	108,3	108,0
Қишлоқ хўжалиги	103,1	106,2	106,8	107,0
Чакана савдо айланмаси	107,6	105,1	114,7	115,0
Хизмат кўрсатиш	115,7	116,3	113,4	110,8

1. Секинлашган иқтисодий ўсиш (2 фоиздан паст).

2. Мўътадил иқтисодий ўсиш (2-4 фоиз).

3. Ўртача иқтисодий ўсиш (4-6 фоиз).

4. Барқарор иқтисодий ўсиш (6 фоиздан юқори).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда 2005 йилдан кейинги даврларда барқарор иқтисодий ўсишга эришилмоқда.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини 2000 йилдан кейинги даврларда иккита босқичга бўлиш мумкин: биринчи босқич – 2000-2004 йиллардаги ўртача иқтисодий ўсишга (ЯИМ 4-4,5 фоиз) эришилган давр; иккинчи босқич – 2005 йилдан кейинги барқарор иқтисодий ўсиш даври (камида 7 фоиз). Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республикамизда бундай ижобий натижаларнинг қўлга киритилиши пухта ўйланган, экспортга йўналтирилган ташқи иқтисодий сиёсатнинг тўғри олиб борилиши, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришларнинг изчиллигини таъминлаётган, ҳар томонлама қулай бўлган инвестицион муҳитнинг яратилиши, оқилона бюджет-солиқ сиёсати каби қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3183-сон фармони. // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 26 декабрь.

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

3. Каримов И.А Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -16-б.

[1] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Воронин С.А.,
главный научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан, доктор экономических наук;
Мухитдинов З.Д.,
руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан, доктор экономических наук;
Джайдакбаев М.Т.,
магистрант Банковско-финансовой Академии

НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ: ЭТАПЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

ВОРОНИН С.А., МУХИТДИНОВ З.Д., ДЖАЙДАКБАЕВ М.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ, ЎЗГАРИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини ислоҳ қилиш босқичлари, ўзгаришлар ва ривожланиш истиқболлари ўрганилган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, иқтисодиётга солиқ юкини камайтиришга йўналтирилган чоратадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир босқич таҳлилида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қабул қилишдан кўзда тутилган мақсадлар келтириб ўтилган. Мақоланинг хулоса қисмида иқтисодиёт ривожланишининг белгиланган устувор йўналишларини амалга ошириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, солиқ сиёсатининг истиқболи кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: солиқ сиёсати, солиққа тортиш ставкаси ва базаси, иқтисодиётга солиқ юки, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими, ташқи шоклар, иқтисодий дастур.

ВОРОНИН С.А., МУХИТДИНОВ З.Д., ДЖАЙДАКБАЕВ М.Т. НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ: ЭТАПЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

В статье рассматриваются этапы реформирования, тенденции и перспективы развития налоговой политики Республики Узбекистан. Особое внимание уделено мерам, направленным на стимулирование деятельности предпринимательства, снижению налоговой нагрузки на экономику. При анализе каждого этапа приводятся принятые нормативно-правовые акты и цели их введения. В заключение статьи рассмотрены перспективы налоговой политики в аспекте реализации установленных приоритетов развития экономики.

Ключевые слова: налоговая политика, ставки и база налогообложения, налоговая нагрузка на экономику, упрощенная система налогообложения, внешние шоки, экономическая программа.

VORONIN S.A., MUKHITDINOV Z. J., DJAYDAKBAEV M.T. FISCAL POLICY OF UZBEKISTAN FOR THE YEARS OF INDEPENDENCE: STAGES, TRENDS AND PROSPECTS

The article deals with the reform of the stages, tendencies and prospects of development of the tax policy of the Republic of Uzbekistan. Particular attention is paid to measures aimed at stimulating business activity, reduce tax burden on economy. There are given regulations an the purpose of their introduction on each stage of current analysis. Conclusion the article includes the prospects of fiscal policy in the aspect of implementation of the established priorities for economic development.

Keywords: fiscal policy, the rates and the tax base, the tax burden on the economy, simplified system of taxation, external shocks, economic program.

> ***Механизмы налоговой политики являются основным источником формирования средств госбюджета, важным инструментом проведения глубоких структурных преобразований. Трудно переоценить роль налоговой политики и в стимулировании развития крупного и малого предпринимательства. За годы независимости налоговая система Узбекистана прошла серьезные испытания на прочность, изменяясь в процессе своей эволюции, стимулируя неуклонное развитие бизнеса.***

Госбюджет страны до распада СССР от 20 до 50% формировался за счет кредитов и союзных отчислений. Поэтому, потеря централизованных вливаний в условиях падения мировых цен по ключевым экспортным товарам негативно отразилась на состоянии государственных финансов республики. В 1991-1993 годах в результате нарастающей инфляции, развала единых финансово-кредитных связей экономика Узбекистана оказалась в тяжелом экономическом положении. Однако принятие ряда нормативных актов и своевременное проведение институциональных реформ, адекватных рыночным отношениям, способствовало созданию условий для стабилизации экономики.

На начальном этапе (1991-1995 гг.) основными задачами налоговой политики являлись обеспечение сбалансированности дефицита бюджета, изыскание ресурсов для развития приоритетных отраслей,

поддержка социальных услуг, выполнение обязательств по обслуживанию внутреннего и внешнего долга. В эти годы создавалась принципиально новая система налогообложения, обеспечивающая формирование доходной части бюджета, поддержание уровня жизни населения, создание государственной налоговой службы.

На этом этапе был введен НДС при ставке в 30%, акцизные налоги, налог на валовой доход с дифференцированными ставками по отраслям экономики от 15 до 35% и другие платежи. Несмотря на имеющиеся трудности, уже к концу 1995 года доля доходов Госбюджета составила 29,7 % в ВВП. При этом удалось снизить налоговую нагрузку на предприятия отраслей экономики на 2,5 п.п. к ВВП за счет отмены ряда налогов и снижения ставок[1].

На следующем этапе реформы налогообложения (1996-2003 гг.) усилия Правительства были направлены на стабилизацию основных тенденций в макроэкономике, унификацию налоговой системы и дальнейшему совершенствованию структуры доходов и расходов государственного бюджета. В частности, Законом Республики Узбекистан «Об утверждении Налогового Кодекса Республики Узбекистан» от 24.04.1997г. был принят первоначальный вариант Налогового Кодекса, который позволил объединить в себе все основные принципы функционирования налоговой системы. Отразив в себе накопленный отечественный и мировой опыт, он существенно приблизил налоговое законодательство и систему налогообложения Узбекистана к международному уровню. В новых условиях ставки налогов были дифференцированы с учетом специфики отраслей, что позволило усилить их стимулирующую функцию. Субъекты малого бизнеса на добровольной основе вместо совокупности налоговых платежей стали уплачивать в бюджет единый налог. С 1999 г. сельскохозяйственные кооперативы, фермерские хозяйства, агрофирмы стали плательщиками единого земельного налога.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 30 августа 2003 года большинство средних предприятий было отнесено к малому бизнесу, что дало им право перейти на упрощенную систему налогообложения, при которой уровень налогового изъятия в два раза ниже, чем при общеустановленной системе.

Были приняты ряд постановлений правительства, направленные на упрощение системы налогообложения отдельных категорий налогоплательщиков, предусматривающие введение фиксированного налога для физических лиц, занимающихся предпринимательской деятельностью, сокращение количества шкал подоходного налогообложения (с 5-ти до 3-х) с постепенным снижением максимальной ставки налога (с 45% до 32%). В результате реализации мер было обеспечено снижение налоговой нагрузки по фактическим поступлениям в Госбюджет, что способствовало дальнейшему развитию предпринимательской деятельности. Налоговая система постепенно становилась более стабильной и предсказуемой.

Следующим этапом реформирования налоговой системы (2004-2010 гг.) стала ее дальнейшая либерализация. В основе этого этапа реформ лежат поставленные Президентом и правительством задачи либерализации всех сторон жизни общества, продвижения вперед по пути экономических реформ. Изменения, вносимые в законодательство, были нацелены на дальнейшее снижение налогового бремени, упрощение системы налогообложения субъектов малого и крупного предпринимательства, повышение защищенности

[1] Шаулов Д. Эволюция налогово-бюджетной системы за годы независимости Республики Узбекистан. // «Справочник финансового работника», 2015, №12. –С. 65-66.

добросовестных налогоплательщиков от необоснованного вмешательства в их хозяйственную деятельность, либерализацию уголовного и административного наказания, на более полную реализацию принципов эффективной налоговой системы.

